



**МАЖБУРИЙ ПАХТА ЙИГИМ-ТЕРИМИГА  
ҚАРШИ ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАР БЎЙИЧА  
ҚЎЛЛАНМА**

© Ташаббус, 2014

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

“Ташаббус” нодавлат ташкилоти малакали юристлар томонидан Ўзбекистонда кучли ҳуқуқий демократик давлат қурилиши жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган. Ҳуқуқий демократик давлатда қонун устуворлиги энг асосий мезондир. “Ташаббус” Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш учун фуқароларнинг юридик саводхонлигини оширишни энг муҳим вазифа ва мақсад деб билади.

Қўшимча маълумот учун сайтимизга ташриф буюринг: <http://www.tashabbus.uz>

## Мажбурий пахта йиғим-теримига қарши ҳуқуқий чоралар бўйича

### Қўлланма

<b>Кириш</b> .....	<b>4</b>
<b>I. МАЖБУРИЙ МЕХНАТ ВА БОЛАЛАР МЕХНАТИ</b> .....	<b>5</b>
A. Мажбурий меҳнат нима? .....	5
B. Меҳнат қилиш бўйича асосий қонунчилик тамойиллари .....	8
1. Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи асосий конституциявий ҳуқуқлар .....	8
2. Меҳнат муносабатларини тартибга солишда қонун устуворлиги ва конституциявий ҳуқуқларнинг давлат томонидан қафолатланиши .....	9
C. Болалар меҳнатига оид қонунчилик .....	9
1. Бола ҳуқуқлари қафолатлари .....	9
2. Болалар меҳнатига оид асосий ҳуқуқий нормалар .....	10
3. Болалар меҳнатига оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг Ўзбекистонда татбиқ этилиши .....	13
4. Коллеж ва лицей талабалари болалар тоифасига кирадими? .....	14
D. Мажбурий меҳнат қурбонлари .....	14
E. Мажбурий меҳнат шароитлари .....	15
<b>II. МАЖБУРИЙ МЕХНАТГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАР</b> .....	<b>17</b>
A. Маъмурий ва суд тартибида кўрилиши мумкин бўлган чоралар .....	17
B. Мажбурий меҳнат учун жавобгарлик .....	21
C. Мажбурий меҳнат устидан каерга мурожаат қилиш керак? .....	25
D. Нохуш воқеа юз берганда жабрланувчи ёки унинг оила аъзолари кўришлари керак бўлган чоралар .....	26
E. Шикоят аризаси қандай ёзилади? .....	27
F. Мажбурий меҳнат натижасида келтирилган мулкӣ ва маънавий зарарни ундириш тартиби .....	31
<b>III. МАЖБУРИЙ МЕХНАТГА ҚАРШИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАР</b> .....	<b>35</b>
A. Замонавий қуллик шакллари бўйича Махсус маърузачи .....	36
B. Таълим олиш ҳуқуқи бўйича Махсус маърузачи .....	37
C. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг аҳволи бўйича Махсус маърузачи .....	38
<b>ИЛОВАЛАР</b>	
1. Мажбурий меҳнат бўйича қонунчилик .....	40
2. Мактаб директорининг пахта теришга мажбурлаши устидан намунавий шикоят аризаси .....	47
3. Жиноят ишлари судига мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортишни ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраб ёзиладиган ариза намунаси .....	48
4. Форма для представления информации Специальному докладчику по вопросам о современных формах рабства, включая их причины и последствия .....	49

## Кириш

Ўзбекистонда ҳар йили пахта теримиға фуқароларни оммавий сафарбар қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Теримчиларнинг бир қисми ўз ихтиёри билан чиқаётган бўлса, аксарияти мажбуран қатнашаётганлардир. Булар орасида балоғатга етмаганлар, талабалар, хомиладор ва ёш фарзандли аёллар ҳам бор. Ачинарлиси, амалдаги қонунчилик меҳнат қилишга мажбур этишни қатъиян тақиқласа ҳам, пахта терими билан боғлиқ бундай ноқонуний ҳолат ҳар йили такрорланади. Мазкур вазиятга чек қўйиш учун фуқаролар ўз ҳуқуқлари билан танишиб чиқиб, улардан қандай самарали фойдаланиш йўлларини ўрганиб олишлари керак. Бунда, биринчи навбатда, амалдаги қонунчиликдан мажбурий меҳнат тушунчаси қандай ўрин олгани билан танишиб чиқишлари керак ва шу қонун нормалари ёрдамиға ноқонуний ҳолатларға қарши курашишлари лозим. Қўлланма мазкур масалада ёрдам бериш мақсадида ёзилди.

Қўлланма уч асосий бўлимдан иборат. 1-бўлим мажбурий меҳнат тушунчаси, унинг амалдаги қонунчилик билан қандай тартибға солиниши, мажбурий меҳнат қурбонлари ва шароитлари ҳақида маълумот беради. 2-бўлим мажбурий меҳнатға қарши курашиш учун кўрилиши лозим бўлган миллий-ҳуқуқий чоралар ҳақида. Мазкур бўлимда маъмурий ва суд тартибида амалға ошириладиган ҳуқуқий чоралар, мажбурий меҳнат учун жавобгарлик, мажбурий меҳнат устидан шикоят қилиш тартиби, мажбурий меҳнат натижасида келтирилган мулкӣ ва маънавий зарарни ундириш йўл-йўриқлари тушунтирилган. 3-бўлим мажбурий меҳнатға қарши халқаро миқёсда ҳуқуқий чоралар кўриш тартиби ҳақида. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг турли органларига, хусусан, Замонавий қулчилик шакллари бўйича махсус Маърузачи, Таълим олиш ҳуқуқи бўйича махсус Маърузачи ва Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг аҳволи бўйича махсус Маърузачиға шикоят билан мурожаат қилиш тартиби тушунтирилган.

Ушбу Қўлланма, асосан, мажбурий меҳнат шакллариға қарши ҳуқуқий чоралар кўрмоқчи бўлган кишилар, хусусан, мажбурий меҳнат қурбонлари ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари учун мўлжалланган. Қўлланма амалиётчи юристлар, юридик йўналишдаги олий ўқув юртлари талабалари ва пахта теримиға жалб этиладиган барча давлат органлари ва мансабдор шахслар учун ҳам фойдали манба бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

## I. МАЖБУРИЙ МЕХНАТ

### A. Мажбурий меҳнат нима?

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси меҳнат қилиш билан боғлиқ бўлган асосий тамойилларни белгилайди. Унинг 37-моддасига кўра, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга. Мазкур модда давомида мажбурий меҳнат тақиқланиши ва унга фақатгина қонунда кўрсатилган ҳоллардагина рухсат берилиши айтилади.

Мажбурий меҳнат тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 7-моддаси ва “Аҳолини иш билан таъминлаш” ҳақидаги Қонуннинг 2-моддасида таъриф берилган. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларга кўра, мажбурий меҳнат бу бирон жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлашдир. Ўзбекистон Республикасининг Олий суди “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Пленум Қарорида ҳам мажбурий меҳнатга юқоридаги каби таъриф берган.

Демак, пахта терими қонунчилигимиз доирасида мажбурий меҳнат деб ҳисобланиши учун киши пахта даласига “жазо қўллаш таҳдиди” остида чиқаётган бўлиши керак. Пахта теримига ҳеч қандай таҳдидсиз ўз хоҳишларига кўра чиқаётганлар мажбурий меҳнат қурбонлари ҳисобланмайди. Аммо вояга етмаганларнинг пахта теримига ҳаттоки ўз хоҳишлари билан чиқишлари ҳам, қонунчиликка кўра, тақиқланган.

⇒ Эслатма: *Вояга етмаганларнинг пахта теримига ҳаттоки ўз хоҳишлари билан чиқишлари ҳам, қонунчиликка кўра, тақиқланган.*

Амалдаги қонунчилик баъзи ҳолатларда ишга мажбур қилишни тақиқламайди. Масалан, Меҳнат Кодекси ва “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунга кўра, қуйидаги ҳолатларда меҳнат қилишга мажбур қилиш мажбурий меҳнат ҳисобланмайди:

- ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида;
- фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда;
- суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;
- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

“Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда” қоидаси, одатда, оммани пахта теришга мажбур қилишда ҳуқуқий асос қилиб олинмоқда. Шунинг учун эътиборни “қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллар” нима эканига қаратамиз.

*Пахта теришга мажбур қилиш “қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллар” деб ҳисобланиши мумкинми?*

Меҳнат қилишни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида “қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда” меҳнат қилишга мажбур қилиш мажбурий меҳнат ҳисобланмаслиги айтилади. Бундан маълум бўладики, тегишли қонунларда назарда тутилган ҳолатларда Ўзбекистонда меҳнат қилишга мажбурлашга йўл қўйилади. Аммо бундай ҳолатлар қонун билан тартибга

солиниши керак. Амалдаги қонунларнинг биронтаси мажбурий меҳнатға қайси ҳолатларда сафарбар қилиш мумкинлиги ҳақида тушунтириш бермаган.

*Пахта теримиға чиқиш қачон “мажбурий меҳнат” ҳисобланади?*

Мажбурий меҳнат таърифида қўлланилган “жазо қўллаш таҳдиди” кенг тушунча бўлиб, фақатгина давлатнинг маъмурий ёки жиноий жазо қўллаш таҳдиди сифатида тушунилмаслиги керак. Бирон кишини ўз ихтиёриға қарши меҳнат қилишға мажбур қиладиган ҳар қандай таҳдидни “жазо қўллаш таҳдиди” деб тушуниш лозим. Таҳдид қилиш, кўпинча, бирон ҳуқуқ ва/ёки имтиёзларни чеклашға қаратилган бўлади.

Таҳдидлар турли кўринишда бўлиши мумкин. Қуйида ана шундай жазо қўллаш таҳдидининг айрим кўринишларига мисоллар келтирамыз. Ушбу рўйхат тор доирада бўлиб, жазо қўллаш таҳдидига нималар мисол бўлиши мумкинлигини ўқувчиларға тушунтириш мақсадида тузилган, холос.

⇒ **Эслатма:** *Кишини ўз ихтиёриға қарши меҳнат қилишға мажбурловчи ҳар қандай хатти-ҳаракат, хусусан, ҳуқуқ ёки имтиёзларнинг чекланиши “жазо қўллаш таҳдиди” деб баҳоланишиға асос бўлади.*

Ўқувчи-талабаларға нисбатан ўқув даргоҳи маъмурияти томонидан кўрсатиладиган таҳдидларға мисоллар:

- Ёмон баҳо қўйиш билан кўрқитиш – бу айниқса яхши ўзлаштирмаган ўқувчи ёки талабаларнинг осонликча ўз ихтиёрларига қарши мажбурий меҳнат қурбони бўлишларига сабаб бўлади.
- Синфдан ёки курсдан қолдириш билан кўрқитиш;
- Лицей, коллеж ёки университетдан ҳайдаш билан кўрқитиш;
- Стипендия бермаслик ёки уни пахта теримидан кейинга қолдириш билан кўрқитиш;
- Ўқув даргоҳи маъмурияти томонидан ўқувчи-талабаға хизмат кўрсатиш учун амалға оширилиши керак бўлган ҳар қандай хизматни бажаришдан бош тортиш ҳолатлари.

Давлат идоралари, муассасалари ва нодавлат ташкилотлар ходимларига нисбатан раҳбарият кўрсатадиган таҳдидларға мисоллар:

- Ойлик маошидан қирқиб қолиш билан таҳдид қилиш;
- Ойлик маошини олиш учун пахта теримиға чиқишни шарт қилиб қўйиш орқали таҳдид қилиш;
- Йиллик асосий таътил (отпуск) ёки вақтинча меҳнатға қобилиятсизлик даври учун таътилни (болничний) пахта терими мавсумида бермаслик билан таҳдид қилиш;

- Йиллик асосий таътил олиш учун пахта теримига чиқишни шарт қилиб қўйиш орқали таҳдид қилиш;
- Интизомий жазога тортиш билан таҳдид қилиш;
- Ҳайфсан эълон қилиш билан таҳдид қилиш;
- Ишдан бўшатиш ҳақида огоҳлантириш орқали таҳдид қилиш;
- Ўз ўрнига мардикор топиб пахта теримига юборишни талаб қилиш (мардикорга ходим ўз ҳамёнидан тўлаган ҳолда);
- Давлат идораси томонидан ходимга хизмат кўрсатиш учун амалга оширилиши керак бўлган ҳар қандай хизматни бажаришдан бош тортиш ҳолатлари.

Ижтимоий таъминот оладиган фуқароларга нисбатан маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан кўрсатиладиган таҳдидларга мисоллар:

- Ижтимоий таъминотни тўхтатиш билан кўрқитиш;
- Ижтимоий таъминотни камайтириш билан кўрқитиш;
- Ижтимоий таъминот олиш учун топширилган ҳужжатларни ўз вақтида кўриб чиқмаслик ёки рад этиш билан кўрқитиш.

⇒ **Эслатма:** *Ижтимоий таъминотнинг асосий кўринишларига қуйидагилар қиради: болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, ногиронлик нафақаси, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа, ёшга доир пенсия тўловлари ва ҳкз.*

Барча гуруҳдаги фуқароларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган умумий таҳдидларга мисоллар:

- Пахта теримига чиқишдан бош тортган фуқароларга Ички ишлар бўлими томонидан паспорт бермаслик, паспортни алмаштириб бермаслик, чет элга чиқиш учун ОВИР визасини бермаслик;
- Йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳайдовчиларга ДАН ходимлари томонидан жарима солмаслик эвазига пахта теримига чиқиш ёки ўз ўрнига пахта теримига чиқиш учун мардикор ёллашнинг шарт қилиб қўйилиши;
- Йўл ҳаракати қоидаларини бузган шахсларга ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб олиш учун пахта теримига чиқишни шарт қилиб қўйиш;
- ДАН ходимлари томонидан йўлда ҳаракатланиб кетаётган машинани тўхтатиб, маълум миқдорда пахта териш келишни ва шундан кейингина йўлда давом этишга рухсат берилишини айтиш;

Агар бирон киши, пахта теримига чиқишдан бош тортгани натижада юқоридаги каби таҳдидларга дучор бўлса, у киши ноқонуний мажбурий меҳнатга дучор қилинаётган бўлади.

## **В. Меҳнат қилиш бўйича асосий қонунчилик тамойиллари**

Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилишни тартибга солувчи кўплаб қонун ҳужжатлари мавжуд. Уларнинг ҳуқуқий мақоми, ўзаро алоқадорлиги ва мазмунини яхши тушуниш учун қонун ҳужжатлари таснифига қисқа тўхталиб ўтамиз.

Амалдаги қонунчилик қонун ҳужжатларидан (норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳам аталади) иборатдир. Қонун ҳужжатларини қонун ва қонуности ҳужжатларига ажратиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Конституция ва қонунлар олий юридик мақомга эга бўлиб, уларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Барча қонун ва қонуности ҳужжатлари Конституция асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасида қонунларга қуйидагилар киради:

- а) Конституция;
- б) Қонунлар;
- в) Олий Мажлис палаталарининг қарорлари.

Ушбу қонунлар Парламент, яъни қонун чиқарувчи олий орган томонидан қабул қилинади. Бу дегани Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар бир шахс билвосита ўзлари сайлаган депутатлари ва сенаторлари орқали ушбу қонунларнинг қабул қилинишига ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикасида қонуности ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- а) Президентнинг фармонлари;
- б) Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- в) Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;
- г) Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ушбу туркумдаги норматив ҳужжатлар халқ номидан қабул қилинмаган бўлиб, яқка бир шахс, давлат идораси ёки мансабдор шахс томонидан қабул қилинади ва халқ иродасини ифода этмайди. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳуқуқий мақоми қонунлардан қуйи поғонада туради.

Қонун ҳужжатлари ўзига қараганда юқориқ юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши шарт. Улар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқориқ юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжати қўлланилади. Тенг юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатлари бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Қуйида Ўзбекистон Республикасида пахта далаларида мажбурий меҳнатга алоқаси бўлган қонун ҳужжатлари номлари ва уларнинг асосий қоидаларини келтириб ўтамиз. Пахта теришга мажбурланаётган ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган шахс, қонуний чоралардан самарали фойдаланиши учун, мажбурий меҳнатга алоқадор бўлган асосий қонун ҳужжатлари билан яхши таниш бўлиши керак. Зеро, айнан мажбурий меҳнатга қарши қонун ҳужжатларида мустақамланган қоидаларнинг бузилиши маъмурий-ҳуқуқий ёки судлов тартибида чоралар кўрилиши учун асос бўлади. Қонун ҳужжатлари тартиби юридик мақомларига кўра келтирилади.

### **1. Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи асосий конституциявий ҳуқуқлар**



Конституциянинг Муқаддимасида меҳнат қилиш билан боғлиқ бўлган бир неча тамойил мустаҳкамланган. Жумладан, Муқаддимада Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқлари ғояларига содиқлигини, ижтимоий адолатга садоқатини намоеън қилишини, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилишини ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаши белгиланган.

13-моддага биноан, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади. Бу дегани, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

19-моддага кўра, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликлардан суд қарорисиз маҳрум этиш ёки уларни чеклаб қўйиш мумкин эмас.

37-моддада ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ва адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эгаллиги ва мажбурий меҳнат тақиқланиши белгиланган.

## **2. Меҳнат муносабатларини тартибга солишда қонун устуворлиги ва конституциявий ҳуқуқларнинг давлат томонидан кафолатланиши**

Конституциянинг 14-моддасида давлат ўз фаолиятини ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши ўрин олган.

15-моддада Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олиними айтилади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриши шарт.

43-моддага кўра, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

44-моддада эса ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши таъкидланган.

## **С. Болалар меҳнатига оид қонунчилик**

### **1. Бола ҳуқуқлари кафолатлари**

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига биноан, “бола” деб ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахсга айтилади. Қонуннинг 4-моддасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланган:

- боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш;
- боланинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш;
- бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;
- болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш;

- боланинг шахсини, унинг илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш.

5-моддада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қуйидаги асосий ваколатларни амалга ошириши айтилади:

- бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш;
- бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат органлари, болалар муассасалари, ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш.

10-моддада ҳар бир бола эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгаллиги белгиланган. Давлат болани эксплуатациянинг барча шаклларида ҳимоя қилишни ўз зиммасига олади.

20-моддага кўра, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан бошлаб йўл қўйилади. Болаларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида таълим масканлари ўн беш ёшга тўлган болаларни қуйидаги шартларга жиддий риоя этган ҳолатда ишга жалб этиши мумкин:

1. Бола ота-онасидан бирининг ёзма розилиги;
2. Меҳнат тури боланинг соғлиғига ва маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмаслиги;
3. Меҳнат тури таълим жараёнини бузмаслиги;
4. Меҳнат қилиш ўқишдан бўш вақтда бажарилиши.

## **2. Болалар меҳнатига оид асосий ҳуқуқий нормалар**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2009 йил 26 июндаги 33Қ/Б; 13-сонли қарорига Илова тарзида “Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари Рўйхати”ни қабул қилган. Рўйхатнинг XXVIII Қишлоқ хўжалиги бўлимида пахтани қўлда териш ишларига 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жалб қилиниши мумкин эмаслиги белгиланган.

Демак, пахта йиғим-теримига вояга етмаган мактаб ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабаларини мажбуран олиб чиқиш мумкин эмас ва бу қонуний ҳужжатлар асосида тақиқланган. Вояга етмаган (18 ёшга тўлмаган) шахслар ўз хоҳишларига кўра пахта йиғим-терим ишларида иштирок этишни хоҳласа ҳам, қонун ҳужжатлари бунга рухсат бермайди.

### **Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегаралари**

Болалар кўтариши мумкин бўлмаган оғирлик нормалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2009 йил 21 апрелда қабул қилинган “18 ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорда белгиланган.

“Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида” Низом (Меҳнат ва аҳолини ижтимоий

муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/ҚҚ, 8-сонли қарори билан тасдиқланган) мавжуд. Мазкур Низом болалар кўтариши мумкин бўлмаган оғирликларга тегишли бўлган қуйидаги меъёрларни белгилайди:

- 16-18 ёшгача бўлган шахсларнинг иш вақти (тахминан, 8 соатлик иш куни) фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 4,1 кг дан оғир бўлмаслиги лозим;
- Болалар аравача ва вагонетка ёрдамида юк ташиш ишларига жалб этилмаслиги лозим;
- 16 ёшгача бўлган вояга етмаганлар иш вақтининг учдан бир қисми (иш вақти 8 соат бўлса, тахминан 2,5 соат) юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, қўлда юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси ўғил болалар учун — 6,5 кг, қиз болалар учун — 3,5 кг дан оғир бўлмаслиги лозим.
- 16 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 2 кг дан оғир бўлмаслиги лозим.

**Умумтаълим мактаблари, ўрта-махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларни қишлоқ ишларига жалб қилишига қўйиладиган талаблар**

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш” Қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 8 февралдаги 7-Б-сон буйруғига Илова) мавжуд. Унда ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта-махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини қуйидаги шартлар асосида ишга жалб этиш мумкинлиги белгиланган:

- Ўн беш ёшга тўлган ўқувчиларни қишлоқ ишларига жалб қилишга қўйиладиган талаблар:
  - Мақсад ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун бўлиши керак;
  - Меҳнат тури уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган бўлиши керак;
  - Меҳнат таълим олиш жараёнини бузмаслиги керак;
  - Меҳнат ўқишдан бўш вақтида бажарилиши керак;
  - Меҳнат қилиш учун ота-онасидан бирининг ёзма розилиги бўлиши керак.
- Пахта терими зарарли ва ноқулай меҳнат шароитида амалга оширилиладиган иш тури бўлгани учун, унга ўн саккиз ёшга тўлмаганларни жалб қилиш тақиқланади;
- Ўқувчи ва талабалар дастлабки тиббий кўриқдан ўтгандан кейингина қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиниши мумкин;
- Ўрта таълим муассасалари раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси биргаликда қишлоқ хўжалиги ишлари бошланишидан олдин мазкур жараёнга жалб қилиниши лозим бўлган ўқувчи ва талабаларнинг рўйхатини тузиб, уларнинг тиббий кўриқдан ўтишини таъминлаши лозим;

- Ўқувчи ва талабаларни далага олиб чиқиш ва олиб келишдан олдин раҳбар йўқлама қилиши ва уларга бажариладиган иш турлари бўйича тўлиқ тушунтириш, йўл-йўриқ бериши лозим;
- Иш жойларига олиб бориш ва қайтариб келиш фақат куннинг ёруғ пайтида амалга оширилиши лозим;
- Ғўза баргини тўкиши учун кимёвий ишлов берилган майдонга ўқувчи ва талабалар камида 10 кун муддат ўтгандан кейингина ишлашиға рухсат этилиши лозим;
- Ўқувчи ва талабалар пахта теримиға жалб қилинишидан олдин махсус кийим-бошлар билан таъминланиши керак.

=> **Эслатма:** Юқоридаги шартлар бажарилиши ёки бажарилмаслигидан қатъи назар, 18 ёшга тўлмаган шахсларни пахта теримиға жалб этиш мумкин эмас. Шунингдек, 18 ёшга тўлган ўқувчи-талабалар пахта ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ишларига фақат ўқишдан бўш вақтларида, ихтиёрий равишда ҳамда юқоридаги шартлар тўлиқ бажарилган тақдирдагина олиб чиқилиши мумкин.

**Умумтаълим мактаблари, ўрта-махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчилари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш бўйича меҳнатга жалб қилинганда яратилиши керак бўлган шарт-шароитлар**

“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш” Қоидаларига (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 8 февралдаги 7-Б-сон буйруғига Илова) кўра, умумтаълим мактаблари, ўрта-махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчилари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш бўйича меҳнатга ноқонуний бўлмаган ҳолатда жалб қилинганда ўқувчи-талабаларга иш вақтида қуйидаги шарт-шароитлар яратилиши керак:

- Яшаш (дам олиш) хоналарида самарали ҳаво алмашинуви тизими бўлиши лозим;
- Дала ишларига жалб қилинган ўқувчи ва талабалар ҳафта давомида 2 марта ҳаммом кабул қилишлари лозим;
- Ювиниш (душ) хонасида ювиниш крани ўртача ҳар 8 кишиға битта бўлиши керак;
- Дам олиш, овқатланиш, ювиниш хоналари ва ҳожатхоналар доимий равишда 0,5 фоизли хлорли оҳақ эритмаси ёки хлорамин билан ювиб ва тозалаб турилиши лозим;
- Турар-жой сифатида қўлланиладиган биноға ўқувчи ва талабаларнинг келиб жойлашишларидан (камида 10 кун) олдин дезинфекция, дезинсекция, дератизация ишлари ўтказилиши шарт;
- Ўқувчи ва талабаларнинг ичимлик сувидан фойдаланишлари учун сув қувурига уланган фавворачалар бўлиши керак;
- Сув қувурлари мавжуд бўлмаган ҳолларда, махсус идишларда қайнатилган сув берилиши лозим;

- Ўқувчи ва талабалар ишлайдиган ҳудудда ҳар бир киши бошига 2 – 5 литр қайнатилган кунлик ичимлик суви тайёрланиши лозим;
- Ичимлик сувининг ҳарорати 8°C дан 20°C гача бўлиши керак;
- Иш вақтининг муддати 16 дан 18 ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соатдан, 15 дан 16 гача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига 24 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланиши лозим;
- Ўқувчи ва талабаларни иш вақтидан ташқари ҳамда тунги ишларга жалб қилиш қатъиян тақиқланади;
- Яшаш (дам олиш) бинолари юзаси бир киши учун 3 м<sup>2</sup> дан, ўтиш йўлкаларининг кенглиги 1 метрдан кам бўлмаслиги керак;
- Бино поли ёғоч ва шунга ўхшаш материалдан бўлиши лозим;
- Бинонинг эшик ва ойналари яхши ёпиладиган, ойналар эса туйнукчали (форточкали) бўлиши керак;
- Ўқувчи ва талабалар орасида касал ёки вақтинча иш қобилиятини йўқотганлар тиббий ходим назоратидан ўтиши ва улар соғликлари тўла тиклангунча дам олиш жойларида қолиши лозим;
- Ғўза баргини тўкиши учун кимёвий ишлов берилган майдонга ўқувчи ва талабалар камида 10 кун муддат ўтгандан кейингина ишлашига рухсат этилиши лозим;
- Ўқувчи ва талабалар пахта теримиға жалб қилинишидан олдин махсус кийим-бошлар билан таъминланиши керак.

### **3. Болалар меҳнатига оид халқаро ҳуқуқ нормаларининг Ўзбекистонда татбиқ этилиши**

Ўзбекистон Республикаси Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенция, Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенция, Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияларни ратификация қилган ва 2008 йил 12 сентябрда Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни ҳамда болалар меҳнатиинг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” Қарор қабул қилган. Мазкур қарорға кўра, юқорида айтилган икки конвенцияни ратификация қилиш муносабати билан ундаги нормаларни миллий қонунчиликка татбиқ қилиш учун Миллий Ҳаракат Режаси (бундан кейин МХР) ишлаб чиқилган.

МХРнинг 20-банди 1-қисмида 2008-йил сентябрь, кейинчалик ҳар йили — августда пахта йиғим-терими ишларида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик юзасидан жойларда мониторинг олиб бориш учун ишчи гуруҳ ташкил этилиши кераклиги белгиланган. 20-банд 2-қисмиға кўра эса, ҳар йили — август-ноябрь ойларида пахта йиғим-терими ишларида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик юзасидан жойларда мониторинг олиб борилиши керак.

Юқорида тилга олинган халқаро конвенциялар ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2012-йил 26-мартда “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияни ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар

тўғрисидаги конвенцияни 2012-2013-йилларда амалга ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар ҳақида” Қарор қабул қилди. Қарорға кўра, қабул қилинган Конвенцияларни миллий қонунчиликка татбиқ қилиш учун 2012-2013-йилларда амалга оширилиши режаланган Қўшимча Тадбирлар Режаси (бундан кейин Тадбирлар Режаси) қабул қилинди.

Миллий Ҳаракат Режаси ҳамда Тадбирлар Режасининг аҳамиятли жиҳати шундаки, уларда Ўзбекистон пахта йиғим-терим ишларида болалар меҳнатидан фойдаланиш мажбурий меҳнат турига кириши тан олинган ҳамда бунга қарши тегишли чоралар кўрилиши белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, пахта йиғим-терим ишларида вояга етмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш мажбурий меҳнат ҳисобланади ва қонунга мувофиқ тақиқланади.

#### **4. Коллеж ва лицей талабалари болалар тоифасига кирадими?**

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 3-бандига кўра, ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар) бола (болалар) ҳисобланади. Демак, бола деганда 18 ёшга тўлмаган ҳамда вояга етмаган (қонунда белгиланган тартибда эмансипация қилинмаган) ҳар қандай шахсни тушунишимиз мумкин.

“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасига кўра, мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшидан қабул қилинади. Қонуннинг 10-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши – академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади. Юрокидагилардан келиб чиқиб, ўрта махсус таълим, яъни академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабаларининг ёшини 15-16 дан 18-19 ёшгача деб белгилаш мумкин. Демак, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 18 ёшга тўлмаган ўқувчи ва талабалари ҳуқуқий маънода “бола” категориясида бўлади.

#### **D. Мажбурий меҳнат қурбонлари**

Пахта терими билан алоқадор мажбурий меҳнатга қарши ҳуқуқий чоралардан самарали фойдаланиш учун мажбурий меҳнат натижасида кишиларга етказилиши мумкин бўлган зарар турларини яхши тушуниб олиш керак.

Ҳар йили кўплаб инсонлар пахта мавсумидаги мажбурий меҳнат асоратларидан азият чекади. Масалан, “Пахта кампанияси” ҳуқуқ фаоллари ва нодавлат ташкилотлари коалицияси маълумотиға кўра, 2013 йилда пахта теримида вафот этганлар сони 11 кишини ташкил этган. Қурбонлар орасида 6 ёшли болакайдан тортиб 63 ёшли кекса фуқароларгача бор. Бундан ташқари, мажбурий пахта теримидан турли даражада моддий, жисмоний ва руҳий зарар кўрганлар сони янада кўп. Ушбу салбий ҳолатлар асосида турган умумий сабаб бу азият чекканларнинг пахта теришга мажбурий равишда сафарбар этилганликларидир.

2013 йил пахта терими билан боғлиқ мажбурий меҳнат оқибатида қуйидаги кўринишдаги жароҳат ва талофатлар рўй берган:

- Шахсларнинг пахта терими билан боғлиқ ишларда юқори турувчи мансабдор шахслар ёки пахта теримига масъул ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари томонидан ҳақоратланиши ва/ёки калтакланиши;
- Мансабдор шахс томонидан ҳақоратланган ва/ёки калтакланган шахснинг соғлиғини йўқотиши, юрак хуружига учраши ёки шунинг оқибатида вафот этиши;
- Мансабдор шахс томонидан ҳақоратлангани ва/ёки калтакланганини кўтара олмаган шахснинг ўз жонига қасд қилиши;
- Пахта даласида меҳнат хавфсизлиги шароитлари таъминланмагани сабабли шахсларнинг жиддий жароҳат олиши ёки вафот этиши;
- Пахта даласида гигиена ва тозалик шароитлари таъминланмагани сабабли шахсларнинг жиддий касалликларга йўлиқиши;
- Пахта даласида зарур тиббий ёрдам кўрсатиш чоралари бўлмагани сабабли ўз вақтида тез тиббий ёрдамнинг кўрсатилмагани ва натижада жароҳат олган шахс аҳволининг оғирлашиши;
- Пахта даласида бирламчи яшаш шароитларининг мавжуд эмаслиги;
- Пахта даласида юқори босқич талабалари қуйи босқич талабаларини пахта теришга мажбур қилиши ва жисмоний тазйиқ ўтказиши натижасида шахснинг жиддий жароҳат олиши ёки вафот этиши;
- Пахта даласига кетишда ёки қайтишда шахсларнинг автохалокатга учраб, жиддий тан жароҳати олиши ёки вафот этиши.

Мажбурий меҳнатдан азият чекканлар доирасини фақатгина тўғридан-тўғри жисмоний ёки моддий зарар кўрганлар билан чеклаш тўғри эмас. Қуйидаги каби ҳолатлар ҳам мажбурий меҳнат оқибатида етказилган зарарлар тоифасига киради:

- Умумтаълим ва олий таълим ўқувчи ва талабалари узлуксиз таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши;
- Умумтаълим ва олий таълим ўқувчи ва талабалари сифатли таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши;
- Пахта теришга шанба ёки якшанба куни мажбур этилаётганларнинг дам олишга бўлган ҳуқуқларининг поймол этилиши;
- Пахта теришга байрам куни мажбур этилаётганларнинг байрамни оила даврасида байрам қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши;
- Пахта теримига бевосита алоқаси бўлмаган автоулов ҳайдовчиларининг юк ва/ёки одам ташиш хизматларини бажаришга мажбур қилиниши;
- Ишчиларнинг ўз касбларига алоқадор бўлмаган ва меҳнат шартномасида назарда тутилмаган вазифаларни бажаришга жалб этилиши;
- Пахта теришни истамаган шахслардан пахта терими учун маълум миқдорда пул талаб қилиниши.

## **Е. Мажбурий меҳнат шароитлари**

Мажбурий равишда пахта теришга чиқарилган шахслар, кўпинча, меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва инсон соғлиғи учун зарарли бўлган шароитларда меҳнат қилишга мажбур бўлади. Бу қуйидаги каби ҳолатларда ўз ифодасини топиши мумкин:

- Мансабдор шахслар касаллиги ҳақида тиббий маълумотномаси бор бемор кишиларни ҳам пахтага сафарбар қилиши ҳолатлари тез-тез учраб туради.
- Пахта теримидаги кишилар учун яратилган шароитлар санитария, гигиена ва соғлиқни сақлаш талабларига жавоб бермайди. Одатда, мактаб спорт заллари, коридорлар ва синфхоналаридан пахта теримчилари учун ётоқхона сифатида фойдаланилади. Табиийки, бундай бинолар инсонлар яшаши учун мосланмаган.
- Теримчилар иссиқ сувдан фойдаланиш ва ҳаммомга кириш шароитлари билан таъминланмаган.
- Пахта теримчилари учун берилётган овқат рациона етарли даражада эмас.
- Ишлаш учун рухсат этилган кунлик вақт меъёрларига риоя этилмайди.
- Пахта терувчи болалар баъзан пахта етиштириш учун далага сепилган кимёвий моддалар таъсирида ишлашига тўғри келади. Бундай захарли кимёвий моддалар бор жойда болаларнинг ишлаши тугул, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳолбуки, айрим ҳолатларда пахта тераётган болалар захарли пахта далаларида 8 соатгача ишлашга мажбур бўлмоқда.

Пахта теришга мажбуран сафарбар қилиш кенг миқёсда ва пухта режа асосида амалга ошириладиган амалиёт бўлиб, давлат расмийлари атайин фуқаролар ҳуқуқларини талаб қила олмаслиги ва пахта теришдан бош тортмаслиги учун “сунъий” вазиятлар яратади. Қуйида шундай пахта теришга мажбурлаш учун асос сифатида фойдаланиладиган вазиятларидан баъзиларини санаб ўтаемиз:

- Меҳнат шартномасига қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиш бўйича қўшимча мажбуриятлар киритилиб, ушбу мажбуриятга рози бўлмаган шахсни ишга олмаслик ёки ишдан бўшатиш ҳақида таҳдид қилиш;
- Пахта даласига чиқиш талаби баъзи олий ўқув юртлари талабаларига ўқув амалиёти сифатида кўйилмоқда. Ваҳоланки, ўқув амалиёти ҳар бир талабанинг ўз ўқув соҳасига мос йўналишда бўлиши керак ҳамда қаерда амалиёт ўташи мажбуран белгиланмаслиги керак.
- Пахта теримига ихтиёрий ва ўз хоҳишига кўра чиқаётгани ҳақида мажбурий тилхат ёздириб олиш ҳолати ҳам кенг тарқалган.



## II. МАЖБУРИЙ МЕХНАТГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАР

Мамлакатимизда қонун устуворлигини ва ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳимоя қилинишини кафолатлаш шахсларга давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши билан амалга оширилади. Шу сабабли ҳар бир давлат қонунчилик тизимида шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишининг турли механизмлари ишлаб чиқилган. Бундай чораларни ишлаб чиқишдан асосий мақсад ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни қонуний йўл билан тиклаш ва қонунбузарларни тегишли жавобгарликка тортишдир.

Шахслар давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) оқибатида ўз ҳуқуқларини бузилган деб ҳисоблаганларида, шикоят билан тегишли давлат органига ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқнинг асосини қуйидаги қонун ҳужжатлари ташкил этади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонуни.

Конституциянинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. 44-моддада эса ҳар бир шахснинг давлат органлари ва мансабдор шахслар ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Конституциянинг 35 ва 44-моддаларидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқбузарликларга қарши кўриш мумкин бўлган ҳуқуқий чораларни шартли равишда маъмурий ва суд тартибида амалга ошириладиган чораларга бўлиш мумкин.

### **А. Маъмурий ва суд тартибида кўрилиши мумкин бўлган чоралар**

Маъмурий-ҳуқуқий чоралар шахсларнинг судга мурожаат қилмасдан, балки ўз ҳуқуқларини тегишли давлат органларига мурожаат қилиш орқали ҳимоя қилишини ўз ичига олади. Маъмурий-ҳуқуқий чоралар асосан тегишлилик тартибида юқори турувчи давлат органига ёки прокуратура органларига шикоят қилиш орқали амалга оширилади.

#### Тегишлилик тартибида юқори турувчи давлат органига мурожаат қилиш

Давлат органи ва мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари ёки қарори устидан шикоят бўйсинув тартибига қараб, юқори турувчи орган ёки мансабдор шахсга берилади. Шунинг учун, шикоят матни тайёр бўлгандан кейин, уни тегишли давлат органига юборишда тегишлиликка эътибор беришингиз керак.

⇒ **Эслатма:** Давлат органлари телефон рақамлари ва манзилларини Ягона интерактив давлат хизматлари Порталидан (<http://my.gov.uz/>) олишингиз мумкин.

Шикоятни қабул қилган юқори турувчи давлат органи ўз ваколатлари доирасида қуйидаги асосий вазифаларни бажариши лозим:

- шикоятни холисона, ҳар томонлама ва ўз вақтида текшириши;
- фуқароға шикоятни текшириш натижалари ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти тўғрисида ёзма тарзда маълумот бериши керак.

Мансабдор шахслар шикоятларни давлат органиға тушган кундан эътиборан бир ой муддат ичида ҳал этишлари керак. Агар шикоят кўшимча ўрганишлар ва текширишни талаб қилмаса, давлат органи шикоятда кўтарилган масалани 15 кундан кечиктирмай ҳал этиши керак.

Ариза ёки шикоятни ҳал этиш учун махсус текширувлар ўтказиш, кўшимча материалларни сўраб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлса, тегишли давлат органи шикоятни ҳал этиш муддатини, истисно тариқасида, узайтириши мумкин. Аммо бу муҳлат бир ойдан ошмаслиги керак ва бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилиш лозим. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш умумий муддати икки ойдан ошмаслиги керак.

### Прокуратураға мурожаат қилиш

Тегишлилик тартибида юқори турувчи давлат органиға мурожаат қилиш фойда беришига ишонмасангиз ёки фойда бермаганда, тегишли прокуратура органларига мурожаат қилишингиз керак.

⇒ Эслатма: Прокуратура органларига шикоят қилишида ҳам “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун тўла амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари қонун устуворлигини таъминлаш учун масъул бўлган энг асосий давлат органи бўлиб, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни амалга оширади. Прокуратура органларининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- қонун устуворлигини таъминлаш;
- қонунийликни мустаҳкамлаш;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш;
- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.

⇒ Эслатма: Прокуратура органларининг ваколатлари ва вазифалари ҳақида тўлиқ маълумот учун “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунға мурожаат қилинг.

Прокуратура органларига қуйидаги ҳолатларда мурожаат қилишингиз мумкин:

- Сизни ёки вояға етмаган фарзандингизни пахта йиғим-терим ишларига мажбурлашса;
- Мажбурий меҳнатға қарши, ноқулай меҳнат шароитлари ёки меҳнат шартларининг ҳар қандай бузилишларига қарши равишда берилган ариза ва шикоятларингизни мансабдор шахслар ҳамда юқори турувчи органлар ўз вақтида кўриб чиқмаса;
- Сизнинг ҳуқуқ ва эркинликларингизни бузадиган қарор қабул қилинса ёки унинг бирон қисмидан норози бўлсангиз;

- Сиз топширган шикоятларингиз қабул қилинмаса ёки уларга белгиланган муддат ичида жавоб берилмаса.

⇒ **Эслатма:** *Прокуратура органларига ёзиладиган шикоят намунаси иловада берилган.*

Прокурор ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда қуйидаги ваколат ва мажбуриятларга эга:

- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади;
- аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради;
- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурор жиноят иши қўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради.

#### Суд тартибида амалга ошириладиган ҳуқуқий чоралар

Маъмурий-ҳуқуқий чоралар ёрдам бермаган тақдирда ёки улардан фойдаланиш ёрдам бермайди деб ўйласангиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларингизни ҳимоя қилиш учун судга шикоят қилишингиз мумкин.

⇒ **Эслатма:** *Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга мурожаат қилиш “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.*

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг судга шикоят қилишга лойиқ хатти-ҳаракатлари (қарорлар) жумласига қуйидагилар киради:

- Фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган;
- Фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик туғдирган;
- Фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар).

Шикоятни ҳуқуқлари, эркинликлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек, фуқаронинг илтимосига кўра жамоат бирлашмасининг, меҳнат жамоасининг ваколат берилган вакили бериши мумкин. Шунингдек, 38-моддага кўра, вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек муомала лаёқати чекланган деб топилган

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади.

Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланган:

- фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган кундан бошлаб уч ой;
- фуқаро юқори турувчи орган, мансабдор шахснинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ёзма билдиришини олган кундан бошлаб бир ой;
- фуқаро ўз шикоятига ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берганидан кейин бир ой муддат ўтган кундан бошлаб бир ой.

Шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати суд томонидан тикланиши мумкин.

⇒ **Эслатма:** *Процессуал муддатларни тиклаш ҳақидаги қоидаларни батафсил ўрганиб чиқиш учун Фуқаролик Процессуал Кодексининг 130-моддасига мурожаат қилинг.*

Фуқаролар ўз шикоятларини қуйидаги тартибда суд идораларига юбориши мумкин:

1. Фуқаро ўзи яшайдиган жойдаги судга;
2. Хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган давлат органи жойлашган ердаги судга ёки;
3. Хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахснинг иш жойи жойлашган ердаги судга.

Судга мурожаатингизни тайёрлаётганингизда у ёки бу ҳужжатни топиб, шикоят ишига қўшиб қўйишнинг иложиси бўлмаса, суддан мазкур ҳужжатнинг давлат органидан талаб қилиб олинишини сўрашингиз мумкин. Шу билан бирга, мурожаатингизда суд шикоятингиз бўйича қарор қабул қилишигача сиз шикоят қилаётган хатти-ҳаракат (қарор) тўхтатиб турилишини сўрашингиз керак.

Шикоятингиз суд томонидан фуқаровий судлов ишларини юритишнинг умумий қоидалари асосида кўриб чиқилади. Судда сиз даъвогар ҳисобланасиз. Даъвогар деб ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган ёинки манфаатини кўзлаб иш қўзғатган шахсга айтилади. Фуқаровий судлов ишларини юритишнинг умумий қоидаларига кўра, даъвогарнинг асосий ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш;
- далиллар тақдим этиш ва далилларни текширишда иштирок этиш;
- ишда иштирок этувчи томонларга саволлар бериш;
- илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;
- ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш;
- бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш;
- суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруғи устидан шикоят қилиш;

- суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруқнинг мажбурий ижросини талаб қилиш;
- суднинг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори судга шикоят қилиш.

⇒ **Эслатма:** Фуқаровий судлов ишларини юриштининг умумий қоидалари учун Фуқаролик Процессуал Кодексига мурожаат қилинг.

Суд шикоятнинг асослилигини аниқлагандан кейин, уни кўриб чиқади. Сўнг, кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарори чиқаради ва унда қуйидаги ҳолатлардан бирини буюради:

- Устидан шикоят берилган хатти-ҳаракатни (қарорни) қонунсиз деб топади;
- Фуқаронинг талабларини қаноатлантириш мажбуриятини юклайди ёки унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ўзгача йўл билан тиклайди;
- Агар устидан шикоят берилган хатти-ҳаракатни (қарорни) суд фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузмайдиган қонуний хатти-ҳаракат (қарор) деб топса, у шикоятни қаноатлантиришни рад этади.

Суднинг ҳал қилув қарори тегишли орган ёки мансабдор шахсга, шунингдек, фуқарога ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ўн кундан кечиктирмай юборилади. Суднинг қонуний кучга кирган қарори барча давлат органлари ва мансабдор шахслар учун мажбурий ва уни бажариш шарт. Қарор бажарилганлиги ҳақида судга ва фуқарога суд қарори олинган кундан бошлаб кечи билан бир ой ичида хабар қилиниши керак. Қарор бажарилмаган тақдирда суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган чора-тадбирларни кўради.

Шикоятни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган суд харажатлари, суд шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида қарор чиқарган тақдирда, фуқаро зиммасига ёки суд давлат органи ёки мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари)ни қонуний эмас деб топган тақдирда, улар зиммасига юклаши мумкин.

## **В. Мажбурий меҳнат учун жавобгарлик**

Амалдаги қонунчиликка кўра, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши юридик жавобгарлик учун асос бўлади. Юридик жавобгарликнинг 4 асосий кўриниши мавжуд: жиноий, маъмурий, интизомий ва фуқаролик-ҳуқуқий.

Ўзбекистонда Жиноят Кодекси билан тақиқланган ҳар қандай жиноятни содир этиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. *Жиноий жавобгарлик* энг оғир юридик жавобгарлик ҳисобланиб, бундай хатти-ҳаракатни содир этган шахс озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Масалан, пахта далаларида учрайдиган айрим нохуш воқеалар учун Жиноят Кодексининг қуйидаги моддаларини қўллаш мумкин:

- 116-модда (қасб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик);
- 205-модда (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш);
- 206-модда (ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш); ва
- 207-модда (мансабга совуққонлик билан қараш).

*Маъмурий жавобгарлик* Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексни бузганлик натижасида келиб чиқади. Маъмурий жавобгарликда ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга кўпинча жарима солинади. Масалан, пахта далаларида санитария талабларига риоя этишни таъминламаганлик учун мансабдор шахсларга Кодекснинг 53-моддасига биноан энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

*Интизомий жавобгарлик*, асосан, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқади. Ходим ўз меҳнат мажбуриятларини бажармаганлиги ёки уларга совуққонлик билан қарагани учун, бундай хатти-ҳаракатлар оғир шикаст етказмаганда, интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

*Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик* эса, асосан, мулкӣ ва/ёки маънавий зарар етказилгани сабабли келиб чиқади ва зарар етказган томондан зарарни тўла қопланиши талаб қилинади.

### **Кимлар жавобгарликка тортилиши мумкин?**

Пахта даласида содир бўлган нохуш воқеага алоқаси бўлган ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсга нисбатан юқорида санаб ўтилган жавобгарлик турларининг биттаси ва/ёки бир нечтаси қўлланилиши мумкин. Жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган энг асосий давлат органлари ва мансабдор шахслар доирасини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

*Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувчи органлари*

Қўлланманинг 1-Иловасида (“Мажбурий меҳнат бўйича қонунчилик”) болаларни мажбурий меҳнатга жалб этишнинг олдини олиш учун Миллий ҳаракат режаси ва Қўшимча тадбирлар режаси ишлаб чиқилганлиги ҳақида маълумот келтирилган. Мазкур режаларни бажариш учун алоҳида давлат органлари масъул этиб тайинланган. Демак, болалар мажбурий меҳнатга жалб этилган ҳолатлар аниқланганда, мазкур давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари жавобгарликка тортилиши мумкин. Мазкур икки ҳужжат ижросини таъминлаш учун масъул бўлган давлат органлари, жумладан, қуйидагилардан иборат:

- Бош Прокуратура;
- Ички ишлар вазирлиги;
- Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги;
- Халқ таълими вазирлиги;
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия;
- Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари;
- «Маҳалла» жамғармаси;
- «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати;
- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.

*Таълим масканлари раҳбарлари*

Мактаб ва бошқа ўқув муассасалари ўқувчи-талабаларининг пахта теримига ноқонуний жалб этилгани учун ушбу ўқув масканлари раҳбарлари ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин.

“Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига кўра, Ўзбекистонда умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими мажбурий ҳисобланади. Шундай экан, ўқиш даври давомида мазкур таълим масканлари ўқувчиларининг хавфсизлиги ва соғлиғи учун ўқув маскани мутасадди раҳбарлари жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси Умумтаълим мактаби тўғрисидаги Низомнинг 5-10-бандига биноан, куйидагилар вазифаларни бажариш умумтаълим мактабининг асосий мажбуриятларига киради:

1. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шарт-шароитлар, шу жумладан, уларнинг ўз устида мустақил ишлашлари ҳамда кўшимча билим олишлари учун имкониятлар яратилишини таъминлаш;
2. Ҳокимият ва бошқарув органлари, ота-оналар ва педагогик жамоатчилиги олдида шахснинг таълимга бўлган конституцион ҳуқуқининг амалга оширилиши таъминлаш;
3. Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг танланган шакллари ўқувчилар ёшининг рухий-физиологик хусусиятларига, соғлиқни сақлаш талабларига мувофиқ келиши, ўқувчилар томонидан ўқув материалларининг кўйилган талаблар асосида сифатли ўзлаштирилишини таъминлаш.

Мазкур мажбуриятлар учун, энг аввало, умумтаълим мактаби директорлари масъулдир. Низомнинг V бобида мактабнинг ўқув-тарбия жараёнига ва кундалик фаолиятига бевосита раҳбарликни директор амалга ошириши белгиланган. Худди шундай қоида “Касб-хунар мактаби тўғрисида”ги ва “Касб-хунар лицейи тўғрисида”ги Низомларда ҳам белгиланган.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар мактаб директорининг асосий вазифалари қаторига болалиқни ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш, ўқувчиларнинг овқатланишига жавоб бериш, мактабдан ташқари ва синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифаларини киритади.

Ўқувчиларнинг пахта далаларига олиб чиқилиши мазкур мажбуриятларнинг биронтаси ҳам бажарилмаслигига сабаб бўлади. Чунки, аввало, “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш” Қоидалари мактаб ўқувчиларини пахта теримиға олиб чиқишни қатъиян тақиқлайди.

⇒ **Эслатма:** *Ўқувчиларни қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилишда риоя этилиши керак бўлган қоидалар билан танишиши учун “Қонунчилик” бўлимиға мурожаат қилинг.*

### *Пахта даласидаги тиббиёт ходимлари*

Пахта даласидаги доктор ёки ҳамширанинг жавобгарлиги ҳам унинг мажбуриятларидан келиб чиқиб белгиланади. Мажбуриятлар доираси кўп ҳолатларда меҳнат шартномасида ва шу каби бошқа ҳужжатлар билан белгиланади. Масаланинг қийин жиҳати шундан иборатки, тиббиёт ходимларининг пахта даласига чиқиб пахта тераётганларга тиббий ёрдам кўрсатиши ҳеч қандай расмий ҳужжатда белгиланмаган. Шундай бўлса ҳам, пахта далаларига тиббиёт ходимлари бириктириляпти ва улар пахта терувчиларнинг соғлиғи учун масъулдирлар.

“Умумтаълим мактаби тўғрисида”ги Низомнинг 3-бандига мувофиқ, ўқувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш штатли ёки мактабга махсус бириктирилган тиббиёт ходими томонидан бажарилади. Тиббиёт ходимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Болаларнинг соғлиғи ва жисмоний ривожланиши учун масъул;
- Тор доирадаги мутахассислар ёрдамида болалар саломатлигини йиллик текширувдан ўтказди;
- Даволаш-профилактика тадбирларини амалга оширади;
- Санитария-гигиена нормаларига, мактаб ўқувчилари овқатланишининг тартиби ва сифатига, жисмоний ва ақлий нагрузкалар ўлчовларига риоя қилади.

Юқоридаги давлат органлари ёки мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари устидан шикоят аризасини ёзишдан олдин, ҳуқуқбузарлик учун масъул бўлган мансабдор шахсга ҳуқуқбузарлик зудлик билан тўхтатилишини, акс ҳолда юқори турувчи давлат органи ёки мансабдор шахсга шикоят аризаси билан мурожаат қилишингизни айтишингиз мақсадга мувофиқ. Ҳаттоки сизга нисбатан қилинган ҳуқуқбузарликлар ҳақида оммавий ахборот воситаларига (ОАВ) хабар беришингиз ҳақида ҳам огоҳлантиришингиз мумкин. Баъзан шундай иш тугилганда, шикоят ёзишга ҳожат қолмайди ва сизга нисбатан қилинган ҳуқуқбузарликка чек қўйилади. Мазкур кўринишдаги огоҳлантириш ортиқча таҳдидларсиз, сокинлик билан, аммо қатъий кўринишда ифода этилиши керак.

⇒ **Эслатма:** *Мажбурий меҳнатни тақиқловчи қонун ҳужжатлари рўйхати ва уларнинг асосий мазмуни ҳақида маълумот олиш учун иловага мурожаат қилинг.*

Масалан, 2 ёшлик фарзанди ва 6 ойлик ҳомиласи бўлган аёлни маҳалла раиси пахта теришга мажбур қилса ва аёл пахта теримига қатнашмаган тақдирда, маҳалла раисининг таҳдидига кўра, унга тўланаётган нафақа тўловлари ё тўхтатилиши ёки маълум миқдори ушлаб қолиниши билан таҳдид қилинса, ушбу ҳолат бўйича шикоят ёзишдан олдин, маҳалла раисини қуйидаги мазмунда огоҳлантиришингиз керак:

*“Раис Қурбонов, мен пахта йигим-теримида қатнашишни истамайман. 6 ойлик ҳомилам бор ва 2 ёшлик фарзандни катта қиялман. Амалдаги қонунчилик меҳнат қилишга мажбурлашни тақиқлайди. Пахта теримига чиқмаганим учун менга тўланаётган нафақани тўхтатиб қўйиш ёки маълум миқдорда пул ушлаб қолиш билан таҳдид қилиш ноқонуний ҳисобланади. Менга қарши бу кўринишдаги таҳдидлар тўхтатилмаган тақдирда, мен туман ҳокими ва прокуратурага шикоят қилишга мажбур бўламан. Зарурат тугилган тақдирда судга ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўхтатилишини ва менга етказилган моддий ва маънавий зарар ундирилишини талаб қилиб даво аризаси топширишга тайёрман”.*

Кўпгина ҳолатларда шу тарзда амалга оширилган огоҳлантириш ҳуқуқбузарлик тўхтатилиши ва ҳуқуқларингиз тикланиши учун кифоя бўлади. Аммо огоҳлантириш қутилган натижани бермаса ва мансабдор шахс огоҳлантиришни эътиборсиз қолдирса, тегишли давлат органларига шикоят қилиш бўйича чора кўришни бошлашингиз керак.



Тегишли давлат органлари ёки мансабдор шахслар юборилган шикоятларни ўрганмасдан эътиборсиз қолдирса, улар амалдаги қонунчиликни бузган ҳисобланади ва бунинг учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 4-моддасига кўра, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриқонуний тарзда рад этганлик, мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилганлик, шунингдек, фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарорни реал бажаришни таъминламаганлик учун мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Фуқаролардан келиб тушаётган шикоятларни эътиборсиз қолдирганлик учун жиноий жавобгарлик ҳам тайинланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 144-моддаси мурожаат кўриб чиқилишини асоссиз рад этиш, мурожаатни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёки қонунга зид қарор қабул қилганлик учун жиноий жавобгарлик тайинлайди. Жиноят Кодекси шахс давлат органига юборган шикояти учун мансабдор шахс томонидан таъқиб қилингани учун ҳам жиноий жавобгарлик белгилайди.

### **С. Мажбурий меҳнат устидан қаерга мурожаат қилиш керак?**

#### Умумтаълим мактаб ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари мактаб ёки лицей ва коллеж маъмурияти томонидан пахта йиғим-теримиға мажбуран жалб қилинаётган бўлса, шикоят аризаларини қуйидаги кетма-кетликда юборишни тавсия қиламиз:

1. Умумтаълим мактаб, академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи жойлашган тумандаги Халқ таълими бўлимиға;
2. Қониқарли натижа бермаса, таълим муассасаси жойлашган туман прокуратурасига ёки судга.

#### Олий таълим муассасалари талабалари

Олий таълим муассасалари, яъни институтлар, университетлар, академиялар талабалари пахта йиғим-терими ишларига мажбуран жалб қилинаётган бўлса, шикоят аризаларини қуйидаги кетма-кетликда юборишни тавсия қиламиз:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ва/ёки Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига;
2. Қониқарли натижа бермаса, таълим муассасаси жойлашган туман ёки шаҳар прокуратурасига ёки судга.

#### Давлат идораси, жамоат бирлашмаси ва бошқа идора/муассаса ходимлари

Давлат идораси, жамоат бирлашмаси, ташкилот ва муассаса ходими пахта-йиғим терими ишларига мажбуран жалб қилинаётган бўлса, шикоят аризасини қуйидаги кетма-кетликда юборишни тавсия қиламиз:

1. Ходим ишлайдиган давлат идораси, жамоат бирлашмаси ва бошқа идора ёки муассасадан юқори турувчи давлат органи ва давлат идораси, жамоат бирлашмаси ва бошқа идора ёки муассаса жойлашган туман ёки шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш вазирлиги бўлимиға;
2. Қоникарли натижа бермаса, таълим муассасаси жойлашган туман ёки шаҳар прокуратурасиға ёки судға.

#### **D. Нохуш воқеа юз берганда жабрланувчи ёки унинг оила аъзолари кўриши керак бўлган чоралар**

Пахта терими пайтида теримчиларға азият етказувчи нохуш воқеа юз берган ҳолатда, жабрланувчи ёки унинг оила аъзолари кўришлари керак бўлган чоралар бўйича тавсиялар:

- Нохуш воқеа ва уни келтириб чиқарган сабаблар ўртасида ўзаро боғлиқликни куриш лозим. Масалан, ўқувчини пахта даласи олдида машина уриб кетса, жавобгарликка нафақат ҳайдовчи, балки мактаб директори ҳам тортилиши мумкин. Зеро ўқувчи ўқув жараёни давомида пахта даласида эмас, балки мактабда таълим олиш билан машғул бўлганда, нохуш воқеа содир бўлмаган бўларди. Шу йўсинда, ўқувчиларни пахта даласиға олиб чиқишда маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам қатнашган бўлса, улар ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин. Ёки пахта терими давомида тиббиёт ходимиға бетоб бўлаётганидан шикоят қилган ўқувчини назоратдан ўтказиб, тегишли даволаш чораларини кўрмасдан, аксинча, ўқувчини пахта теришда давом этишға буюрган тиббиёт ходими ҳам маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.
- Нохуш воқеаға тегишли барча маълумотлар расмийлаштирилишиға, тегишли ҳужжатларға киритилишиға эътибор бермоқ лозим. Масалан, нохуш воқеа натижасида бирор киши вафот этган бўлса, бунга нима сабаб бўлганлиги, воқеа соати, шарт-шароитлари ва ҳоказолар ҳуқуқ-тартибот органи ходими тузадиган далолатномаға аниқ киритилишини назорат қилиш керак.
- Жабрланувчиға тан жароҳати етказилганда, жабрланувчи ёки унинг оиласи зудлик билан докторға мурожаат қилиб, жароҳатнинг сабаби, нохуш ҳодисанинг содир бўлган вақти, жойи, жароҳатнинг оғирлиги каби ҳолатларнинг барча тафсилотлари билан қайд этилишини назорат қилишлари керак. Бундай ҳужжат, одатда, доктор кўригидан кейин тузилади.
- Нохуш воқеаға тегишли ҳужжатларнинг нусхасини жабрланувчи тараф, албатта, йиғиб бориши керак.
- Ўқитувчи, таълим муассасаси ходими, ҳокимиятда ишлайдиган мансабдор шахс ёки ҳуқуқ-тартибот органи ходими ҳодиса тафсилотларини, хусусан, нохуш воқеа содир бўлган вақт, жой, шарт-шароитлар каби маълумотларни ўзгартиришға ҳаракат қилиши мумкин. Бундай бўлишиға асло йўл қўймаслик керак. Масалан, мактаб маъмурияти фақат мактаб ҳудудида содир этилган ҳодиса ёки мактаб томонидан уюштирилган тадбир давомида содир бўлган нохуш воқеа учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шунинг учун мактаб вақтида ўқувчилар қаерда бўлгани, нима иш билан машғул экани каби масалаларға эътиборни қаратиш лозим.

## **Е. Шикоят аризаси қандай ёзилади?**

Суд тартибида бўлмаган ҳуқуқий чоралардан фойдаланишнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири бу шикоят аризаси билан тегишли давлат органиға мурожаат қилиш ҳуқуқидир. Шикоят келиб тушган давлат органлари ва мансабдор шахсларға шикоятларни қонун билан белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ва тегишли чораларни кўриш мажбурияти юклатилган. Шунинг учун, сиз шикоят қилаётганингизда давлат органи ва/ёки мансабдор шахсни “овора” қилмайсиз, балки Ўзбекистон Республикасининг фуқароси сифатида, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларингиз тикланишини талаб қилишингиз орқали мамлакатингизда қонун устуворлиги таъминланишиға ўзига хос ҳисса қўшган бўласиз.

Шикоят қилишда “Барибир фойда бермайди, мансабдор шахслар бир-бирини қўллайди, шу сабабли қуйи мансабдор шахсға қарши ҳеч қандай чора кўрилмайди” деган умидсизлик билан ҳаракат қилмаслик керак. Аслида, кўп ҳолатларда мансабдор шахслар уларға қарши келтириладиган шикоятлардан жиддий хавотирда бўлишади. Бўйсинув тартибида юқори турувчи мансабдор шахс, қуйи турувчи мансабдор шахсни “ҳимоя” қилиши мумкин, аммо бу ҳолат давомий бўлиши мумкин эмас. Агар айнан бир мансабдор шахс устидан шикоятлар келаверса, юқори турувчи мансабдор шахс ҳам ортиқ “ҳимоя” қилишға тараддуллана бошлайди. Шу сабабли, ҳар қандай мансабдор шахс ўз номиға қарши расмий шикоятлардан кўрқайди.

### Шикоятни ёзма равишда топширишингиз керак

Шикоятни оғзаки ёки ёзма шаклда топшириш мумкин бўлса ҳам, уни ёзма равишда топширишни тавсия қиламиз. Мансабдор шахслар оғзаки шикоятларға кўп ҳолатларда жиддий эътибор бермаслиги мумкин. Қолаверса, оғзаки шикоятлар ишончсизлик, бефарқлик ёки кўрқоқлик аломати деб талқин этилиши мумкин. Сиз эса ўз ҳуқуқ ва эркинликларингиз тикланиши ва ҳурмат қилиниши учун ҳаракат қилаётганингизда сиз ҳақингизда бундай тасаввур шаклланишиға йўл қўймаслигингиз керак.

Ёзма шикоят, тўғри расмийлаштирилган тақдирда, ҳужжат ҳисобланиб, давлат органи ёки мансабдор шахсға қонунда назарда тутилган муддаларда тегишли чоралар кўриш мажбуриятини юклайди.

⇒ **Эслатма:** Шикоят билан давлат органлари ва мансабдор шахсларға мурожаат қилиш тартиби “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни билан тартибға солинади.

Шикоят 1, 3 ёки 5 бетдан иборат бўлиш керак деган қоида мавжуд эмас. Аммо шикоят матнини ҳаддан ташқари узайтиришдан тийилишингиз керак. Ўртача шикоят матни 1-3 бетдан ошмагани мақсадға мувофиқ.

### Шикоят аризасининг қисмлари

Шикоятингизни тўрт асосий бўлимға бўлиб ёзишни тавсия қиламиз: кириш, ходисалар баёни, бузилган қонун ҳужжатлари ва хулоса.

### **а. Кириш**

Шикоятнинг кириш қисмида мурожаатингизнинг асосий мазмуни ҳақида маълумот беришингиз керак. Бунда ҳуқуқбузарлик нимадан иборатлиги ва мансабдор шахсдан қандай чоралар кўрилиши сўралаётгани ҳақида айтиш кифоя.

### **б. Ҳодиса баёни**

Давлат органлари ва мансабдор шахсларға қуниға минглаб шикоятлар келиб тушади. Шикоят қандай ёзилган бўлса, унга эътибор ҳам шундай бўлади. Сиз ёзган шикоятға жиддий эътибор берилишининг энг асосий кафолатларидан бири бу унинг қандай ёзилганлигидир.

Ҳодисалар барча тафсилотлари билан ва тушунарли тарзда ёзилиши керак. Кўпинча, шикоят ёзишда кишилар умумлаштирувчи, ноаниқ жумлалардан фойдаланишади. Муаммонинг моҳиятини иложи борича аниқ, барча тафсилотлари билан баён қилишингиз керак. Хусусан, ҳуқуқ ва эркинликларингизни бузадиган хатти-ҳаракатлар нималардан иборатлиги, улар ким томонидан ва қачон содир этилганлиги, бунинг натижасида етказилган жисмоний ва руҳий зарар ва ҳқз. Воқеалар баёнини ўқиш ва бўлиб ўтган ҳодисаларни тушуниш осон бўлиши учун воқеаларни хронологик тартибда баён этишингиз мумкин.

Ҳодисалар баёнини ёзаётганда, қанчалик ачинарли ҳолат бўлмасин, ҳиссиётға берилмаслик керак. Мазкур ҳолат шикоят ёзишда энг кўп учрайдиган хатолардан бири ҳисобланади. Шикоятда ҳуқуқий муаммо ёки ҳуқуқбузарликнинг моҳиятини ёритиб бериш ўрниға, ҳиссиётларға асосланган ҳақорат ёки қарғиш сўзларнинг ишлатилиши шикоятингизнинг кўриб чиқилмаслигига ёки талабларингизнинг бажарилмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Шикоят имкон қадар имловий хатолардан холи, содда жумлалар билан ёзилиши керак. Хатолар ва мужмал жумлалар билан ёзилган шикоятни ўқиш қийин бўлади ва бунинг натижасида унга жиддий эътибор берилмаслиги мумкин. Ҳуқуқий муаммони батафсил, аммо қисқа ва лўнда жумлалар билан баён этишға ҳаракат қилинг.

⇒ **Эслатма:** Фуқаронинг исм-шарифи, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ва имзо қўйилмаган мурожаатлар аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди

### **с. Бузилган қонун ҳужжатлари**

Шикоятда иложи борича сизға қарши қилинган хатти-ҳаракатлар қайси қонун ҳужжатларини бузишини айтиб ўтишингиз керак. Бунда қонун ҳужжатларидан тўлиқ иқтибос келтиришнинг ҳожати бўлмаса-да, ҳуқуқий меъёрнинг асосий мазмуни, унинг тартиб рақами ва мазкур меъёр нима сабабдан бузилганлигини баён қилишингиз мақсадға мувофиқ. Хатти-ҳаракатлар ва уларнинг натижасида етказилган зарар қайси қонун ҳужжатларини бузишини ҳам айтиб ўтиш керак. Бунда ҳуқуқий меъёрларни чуқур таҳлил қилишға ҳожат йўқ.

Шикоятда, иложи борича, воқеалар баёни билан чекланмасдан, асослантилган ваҳжлар келтирилиши керак. Масалан, “Мақтаб директори фарзандимни пахта теришга мажбур қилипти”, деб ёзиш ўрнига қуйидагича ёзиш асослантилган ваҳж бўлади:

*“Мақтаб директори бўлмиш Иркoм Ризaев 8-синфда таҳсил олаётган фарзандимни уйимиздан 20 км узоқликда бўлган далага 2 ҳафтага пахта теришга юбормоқчи. Фарзандим пахта йиғим-теримга чиқмаган тақдирда, ўқийдан ҳайдаб юбориш булан таҳдид қилиняпти. Директорнинг мазкур хатти-ҳаракатлари Конституцияни ва амалдаги бир қатор қонунлар билан қатъиян ман этилган мажбурий меҳнат ҳақидаги қоидаларни ва фарзандимнинг таълим ва муносиб ҳаёт кечиршига бўлган ҳуқуқ ва эркинликларини бузади”.*

#### d. Хулоса

Шикоятнинг хулоса қисмида давлат органи ёки мансабдор шахсдан сиз талаб ёки илтимос қилмоқчи бўлган чоралар ҳақида айтишингиз керак. Шикоятда талаблар аниқ кўрсатилиши керак. Ҳеч бўлмаса, шикоятни “Амалдаги қонунчиликда назарда тутилган чоралар кўрилишини сўрайман”, деб тугатишингиз керак. Афзалроғи эса, аниқ талабларни келтиришдир. Масалан, шикоятнинг Хулоса қисми қуйидагича ёзилиши мумкин:

*“Лутфий номли касб-ҳунар коллежи директори Маҳмуд Кимсановнинг фарзандим Эркинжон Ҳаққовни пахта йиғим-теримига қатнашишини талаб қилиши, акс ҳолда коллеждан ҳайдалиши билан таҳдид қилиши амалдаги қонунларга зиддир. Прокуратура амалдаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назорат қилувчи орган сифатида бу ҳуқуқбузарликка қарши тегишли ҳуқуқий чоралар кўрилишини сўрайман”.*

⇒ **Эслатма:** *Мажбурий меҳнатни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва уларнинг асосий қоидалари билан Иловада танишинг.*

#### Шикоятни юборишда эътибор бериш керак бўлган жиҳатлар

Шикоятингизни қайси давлат органига юборишни аниқлаганингиздан кейин, уни қуйидаги икки усул булан жўнатишингиз мумкин:

1. Почта орқали шикоятни буюртма қилиб (“заказной”) юбориш. Буюртма хати жўнатилганда почта хизматчиси сизга хатни кимга ва қачон юборганингизни тасдиқловчи патта беради. Шикоятларни кўриб чиқиш муддатлари бузилса, шу патта ёрдамида ҳақ-ҳуқуқларингизни талаб қилишингиз мумкин. Ундан ташқари, шикоятни қабул қилиб олган давлат органи ҳам хатингиз буюртма хати бўлиб келганини кўради ва тегишли муддатларда жавоб беришга мажбур бўлади.
2. Иккинчи усул шикоятингизни бевосита ўзингиз тегишли давлат органига олиб бориб беришингиздир. Бунда эътибор бериш керак бўлган ҳолат шундан иборатки, шикоятни икки нусхада олиб бориб, биттасини мутасадди шахсга беринг, иккинчисига эса шикоят қабул қилиб олинганлигини тасдиқлаш учун хатни қабул қилиб олган одамга

имзо ва кун санасини қўйдириб олинг. Иккинчи нусхани ўзингизда сақланг. Бу сизга шикоят қачон ва кимга топширилганлигини исботлашда ёрдам беради.

Иложи бўлса, шикоятни бошқа ҳуқуқлари бузилган шахслар билан бирга гуруҳ бўлиб топширганингиз маъқул. Шикоят матнини сиз тайёрласангиз ҳам, мазкур ҳуқуқий муаммодан азият чекаётган бошқалар ҳам унга имзо чекиши керак.

Шикоятингиз тезроқ кўриб чиқилиши учун, шикоятингизни бир вақтнинг ўзида 2-3 жойга юборишингиз мумкин. Масалан, касб-ҳунар коллежи ўқувчиси пахта теримиға мажбуран жалб қилинаётгани устидан шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим Вазирлиғига, бир нусхасини тегишли прокуратура бўлимиға ва яна бир нусхасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига юбориши мумкин. Бунда давлат органларининг манзилларини шикоятингизда кетма-кет ёзсангиз бўлади. Шунда шикоятингизни ўқиган мутасадди шахс, шикоят бошқа қайси давлат органларига юборилганлигини биледи ва бу ҳолат унинг сиз шикоят қилаётган масалаларни тезроқ ҳал қилишиға туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Биринчи бўлиб шикоятни сизнинг ҳуқуқ ва эркинликларингизни қайси давлат органи ёки мансабдор шахс бузган бўлса, шунга юбориш керак. Шикоятда сизнинг мурожаатингиз эътиборсиз қолдирилган тақдирда навбат билан тегишлилик тартибида юқори турувчи орган, прокуратура ва судга мурожаат қилишингизни билдилинг. Шу йўсинда, агар шикоятингиз эътиборсиз қолдирилса, мазкур давлат органи ёки мансабдор шахсдан тобелик бўйича юқори турувчи давлат органиға мурожаат қилишингиз керак.

### Шикоятни электрон манзилға юбориш мумкинми?

Умуман олганда, давлат органларига шикоятни уларнинг электрон манзилларига юбориш тақиқланмаган. Юқорида айтиб ўтилганидек, шикоят оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин. Энг муҳими, шикоят аноним бўлмаслиги ва унда, албатта, шикоят қилувчининг исм-шарифи ва яшаш жойи кўрсатилган бўлиши керак.

Биз шикоятни давлат органи электрон манзилиға юбормасликни тавсия қиламиз. Бунга биринчи сабаб шуки, электрон манзилға юборган шикоятингиз давлат органиға етиб борадими йўқми, буни билиш қийин. Масалан, сиз юборган шикоят электрон почтанинг “Spam” (“Кераксиз хатлар”) папкасига кетиб қолиши мумкин. Бундай хатларни почта эгалари одатда ўқимайди. Шунингдек, ташкилотлар электрон почталарини мунтазам текширишиға ҳам қафолат йўқ.

Электрон манзил ўрниға шикоятни Ягона интерактив давлат хизматлари Порталдан (бундан буён Ягона портал) юборишингиз мумкин. Ягона портал “электрон ҳуқумат”нинг бир кўриниши бўлиб, фуқароларға давлат органлари билан замонавий ахборот технологиялари ёрдамида алоқаға чиқишни таъминлайди. Ягона порталнинг асосий вазифалари, жумладан, қуйидагилардан иборат:

- фойдаланувчиларға давлат органларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш учун имконият бериш;

- фойдаланувчиларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;
- давлат органларига мурожаат қилинганда фойдаланувчилар учун бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва уларни бартараф этиш.

Ягона порталдан қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақида тўлиқ ахборотни унинг веб саҳифасидан олиш мумкин – <http://my.gov.uz/>. Биз шикоятни ҳозирча Ягона порталдан юбормасликни тавсия қиламиз. Биринчидан, Ягона портал 2013 йилнинг июль ойида ишга тушди. Шу сабабли ҳали тўлақонли хизмат кўрсатмаяпти. Иккинчидан, Интернет хизматидан ҳамма ҳам фойдаланиш имкониятига эга эмас.

### Яқуний маслаҳатлар

Ҳуқуқий муаммога алоқадор бўлган ҳар қандай ҳужжатни йиғиб бориш учун алоҳида папка тутишингиз ҳам мумкин. Биринчидан, бу билан барча ҳужжатларни бир жойда тўплаб, керак бўлганда осонлик билан керакли ҳужжатни топа олиш имконига эга бўласиз. Иккинчидан, бу сизнинг ҳуқуқий муаммони ҳал этишга жиддий киришганингиздан далолат беради. Ҳар қандай мансабдор шахс қабулига ҳужжатлар тўплами билан кириш, унинг сизга бўлган ҳурматини оширади ва муаммони яқиндан ўрганиб чиқишга ундайди.

Шикоятингизга давлат органлари ва мансабдор шахслардан келган барча жавобларни йиғиб боришни унутманг. Тобелик тартибида юқори турувчи давлат органига мурожаат қилганингизда, сизнинг ҳуқуқий муаммоингизни ҳал этишда ёрдам бермаган барча давлат органлари ва мансабдор шахсларни санаб ўтиш керак.

### **Ғ. Мажбурий меҳнат натижасида келтирилган мулкӣ ва маънавий зарарни ундириш бўйича ҳуқуқий чоралар**

Амалдаги қонунчиликда ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган мулкӣ ва номулкӣ зарарни қоплаш ҳуқуқи мавжуд. Етказилган зарар моддий ёки маънавий кўринишда бўлиши мумкин.

Фуқаролик Кодексининг 989-моддаси 1-қисмига кўра, юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат мажбуриятларини бажариб турган вақтида етказилган зарарни қоплайди. Олий Суд Пленуми қарори кўра, мазкур қоидада айтиб ўтилган “зарар” ичига маънавий зарар ҳам киради.

### Моддий зарарни ундириш тартиби

Жиноят Процессуал Кодексининг 275-моддасига куйидаги тоифадаги мулкӣ зиён қопланиши қафолатлананди:

- бевосита жиноят туфайли фуқароларга етказилган зиён;
- жабрланувчини дафн этиш бўйича харажатлар;
- жабрланувчининг касалхонада даволаниши бўйича харажатлар;
- суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш.

Мулкӣ зиённи қоплаш икки йўл билан амалга оширилиши мумкин:

1. Бундай мазмундаги даъво бевосита жиноят иши кўриб чиқиляётганда кўрилиши мумкин;



2. Жиноят иши давомида кўрилмаган тақдирда, алоҳида фуқаролик судларига мулкӣ ва маънавий зарарни ундиришни сўраб даъво аризаси топширилиши мумкин.

Фуқаровий даъво ёзма шаклда ҳам, оғзаки шаклда ҳам кўзғатилиши мумкин бўлиб, унинг кўзғатилиши, кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши учун давлат божи ундирилмайди.

Масалан, пахта даласига мажбурлаб олиб чиқилган мактаб ўқувчиси пахта терими давомида вафот этса ёки жароҳат олса, унинг ота-онаси қуйидаги давлат органлари ва/ёки мансабдор шахсларга қарши даъво очиши мумкин:

- Давлат органи мансабдор шахслари;
- Мактаб маъмурияти;
- Доктор/ҳамшира.

Бунда Жиноят Кодексининг қуйидаги моддаларига асосланиш мумкин:

- 117-моддаси (хавф остида қолдириш);
- 205-модда (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш);
- 206-модда (ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш);
- 207-модда (мансабга совуққонлик билан қараш);

#### Маънавий зарарни ундириши тартиби

Фуқаролик Кодексининг 11-моддасига биноан, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш, зарарни тўлаш ва маънавий зиённи қоплашни ҳам ўз ичига олади.

Амалдаги қонунчиликда “маънавий зарар” тушунчасига таъриф берилмаган. Аммо Олий Суд Плануми қарорига кўра, “маънавий зарар” бу жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган маънавий ва жисмоний азоблардир.

Фуқаролик Кодексининг 1021-моддасига биноан, маънавий зарар етказганлик учун жавобгарликнинг келиб чиқишига асос бўлувчи шартлардан бири зарар етказувчининг айби ҳисобланади. Демак, маънавий зарар қопланишини талаб қилиш учун кишига нисбатан ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилган бўлиши керак. Бундай ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) киши ҳаёти, соғлиғи, кадр-қиммати, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, мулк ҳуқуқи каби манфаатларидан биттаси ёки бир нечтасига қарши қаратилган бўлиши мумкин.

Маънавий зарарни талаб қилишга асос берадиган ҳолатларга мисоллар:

- Пахта теришга мажбур қилиниш сабабли руҳий азоб кўриш (мазкур ҳолат кишига тўғридан-тўғри ҳеч қандай жисмоний зарар етказмаса ҳам, жиддий маънавий азоб беради, чунки киши ўз истагига қарши пахта теришга мажбур қилиняпти);
- Яқин қариндошни йўқотиш сабабли маънавий қайғуриш (масалан, пахта даласида вафот этган ёки жиддий тан жароҳати олган бола ота-онасининг қайғуриши);
- Соғлиққа етказилган ҳар қандай зиён (масалан, жароҳат олиш натижасида, у енгил жароҳат бўлса ҳам, кишига жисмоний ва руҳий азоб бериши);
- Ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттира олмаслик (масалан, жабрланувчи пахта даласида кўриш қобилиятини йўқотса ёки бошқа турдаги ногиронликка учраса);



- Маълум бир ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум бўлиш (масалан, кишилар, хусусан, ёшлар, мажбуран пахта териш ўрнига таълим олиш, спорт билан шуғулланиш, мазмунли вақт ўтказиш имкониятидан маҳрум бўлиши);
- Кунлик пахта териш нормасини бажармаганлик учун кишининг камситилиши ва хўрланиши;
- Пахта теримига жалб қилинган кишиларнинг иситилмаган хоналарга жойлаштирилиши;
- Пахта теримига жалб қилинганларга оддий санитария талабларига жавоб берадиган шароитнинг яратиб берилмаслиги (масалан, хожатхона ва ҳаммомларнинг етарли миқдорда ва сифатда бўлмаслиги, ифлослиги, совуқ ва илиқ сув билан таъминланмаганлиги).

Истисноли ҳолатларда маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар қопланади (1021-модда, Фуқаролик Кодекси). Шундай ҳолатларга, жумладан, қуйидагилар киради:

- Зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса;
- Зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўлланиш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўлланиш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса.

Зарар етказувчининг айбидан қатъи назар, талаб қилиниши мумкин бўлган маънавий зарарга мисоллар:

- Пахта тераётган кишини трактор (ошиқча хавф манбаи) босиб кетса, ҳайдовчининг айбидан қатъи назар, маънавий зарар тўланишини талаб қилиш мумкин.
- Автоулов ҳайдовчисига ДАН ходими пахта теришдан ёки пахта теримига тегишли ишни қилишдан бош тортгани учун маъмурий жазо қўлласа ёки автоуловини қонунга хилоф тарзда ушлаб турса, бу ҳолатда ҳам маънавий зарар ундирилишини талаб қилиш мумкин.

#### Маънавий зарар миқдорини аниқлаш

Маънавий зарар пул билан қопланади (Фуқаролик Кодексининг 1022-моддаси). Маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади.

Маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкӣ зарар қанча бўлишидан қатъи назар қопланади.

Олий Суд Плануми қарорига биноан, суд маънавий зарар миқдорини аниқлашда қуйидагиларни ҳисобга олиши зарур:

- Жабрланувчига жисмоний ва маънавий азоблар етказилганининг қандай асосга кўра тасдиқланишини;
- Жабрланувчига жисмоний ва маънавий азоблар қандай ҳолатларда ва қандай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) билан етказилганлигини;

- Зарар етказувчининг айб даражаси; ва

- Жабрланувчи қандай маънавий ва жисмоний азоблар тортганини.

Маънавий зарар миқдорини белгилашда суд жабрланувчига етказилган зарар даражасини кўрсатувчи объектив маълумотлар билан бирга, жабрланувчининг субъектив баҳосини ҳам эътиборга олади.

Агар маънавий зарар бир неча кишининг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли етказилган бўлса, жабрланувчи уларнинг ҳаммасини шериклик тарзида ёки ҳар биридан алоҳида маънавий зарар ундирилишини талаб қилиши мумкин (1000-модда, Фуқаролик Кодекси).

Масалан, пахта даласида содир бўлган нохуш воқеа сабабли туман ҳокими, милиция ходими ва мактаб директори жиноий жавобгарликка тортиладиган бўлса, моддий ва/ёки маънавий зарар кўрган киши уларнинг ҳаммасини шериклик тарзида ёки ҳар биридан алоҳида маънавий зарар ундирилишини талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролик Кодексининг 163-моддаси, 1-қисмига мувофиқ, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди. Демак, сизга етказилган маънавий зарарни исталган пайтда, бўлиб отган воқеага 10 йил, 20 ёки ундан кўп муддат бўлган бўлса ҳам, зарарни ундиришни сўраб судга мурожаат қилишингиз мумкин.

### III. МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАР

Юқорида баён этилган миллий ҳуқуқий чоралар фойда бермаган тақдирда, мажбурий меҳнат қурбонлари халқаро ҳуқуқий чоралардан фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси бир қатор асосий халқаро инсон ҳуқуқлари бўйича шартномаларни ратификация қилган. Ратификация қилиш орқали, ҳукумат халқаро ҳужжат меъёрларини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва уларни ички қонунчиликка татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар кўриши лозим. Масалан, Меҳнат Кодексининг 10-моддасида агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилиши айтилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясининг қоидалари меҳнатга оид муносабатлар бевосита қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган ҳолларда ҳам қўлланилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси учун мажбурий характерга эга бўлган халқаро ҳужжатлар қаторига, жумладан, қуйидагилар киради:

1. Умумжаҳон Инсон ҳуқуқлари Декларацияси;
2. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Конвенция;
3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Конвенция;
4. Аёлларга қарши камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция;
5. Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция;
6. Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенция;
7. Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенция.

Халқаро ҳуқуқий чоралар орасида мажбурий меҳнатга қарши чора кўришда энг самарали бўлиши мумкин бўлгани бу БМТнинг махсус процедурасидир. Инсон ҳуқуқлари Кенгаши ўз фаолиятида “махсус процедура” деб номланадиган тартибдан кенг фойдаланади. Махсус процедура инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассисларни ўз ичига олиб, унинг ваколатига инсон ҳуқуқлари бўйича тематик ёки алоҳида давлатга хос масалалар юзасидан маслаҳат ва/ёки ҳисобот бериш киради. Мутахассислар одатда “махсус маърузачи” деб номланади. 2013 йил октябрь ойи ҳолатига кўра, 37 тематик ва 14 алоҳида давлатга хос махсус процедуралар фаолият кўрсатмоқда.

Махсус процедура ё шахслардан (масалан, Махсус маърузачилар) ёки ишчи гуруҳлардан (масалан, Ассосиз ушлаб туришлар бўйича ишчи гуруҳ) иборат бўлади. Махсус процедурада ишлайдиган мутахассислар БМТ ходимлари ҳисобланмайди ва ўз фаолиятлари учун ҳақ олмайди. Шу орқали мутахассисларнинг мустақиллиги ва бетарафлиги таъминланади.

Ўз фаолиятларини амалга оширишда махсус маърузачилар қуйидаги хатти-ҳаракатларни бажаришлари мумкин:

- Давлатларга ташриф буюриб, у ердаги инсон ҳуқуқлари бўйича ҳолатни ўрганади;
- Инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, давлат билан алоқа ўрнатиб, вазият бўйича ўз эътирозини ва/ёки хавотирини билдиради;
- Инсон ҳуқуқлари бузилиши қурбонларидан маълумотлар қабул қилади;
- БМТ қошидаги Инсон ҳуқуқлари кенгашига ҳисобот беради.

Махсус процедуралар фаолиятининг асосий қисмини шахслардан инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳақида маълумот ва шикоятларни қабул қилиш ва ўрганиб чиқиш ташкил этади. Махсус процедурага шикоятни 2 асосий йўл билан юбориш мумкин:

- Шошилинч мурожаат (“Urgent Appeal”) орқали: Махсус процедура билан мазкур усул билан алоқага чиқишингиз учун ҳуқуқбузарлик давом этаётган ва/ёки унинг натижасида кишига жиддий зиён етказилиши мумкин бўлган ҳолат мавжуд бўлиши керак. Бу ерда асосий мақсад давлат органларини давом этаётган ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш орқали ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳисобланади.
- Шикоят хати (“Allegation Letters”) орқали: Ҳодиса содир бўлгандан кейин шикоят аризалари билан мурожаат қилиш. Бу ерда асосий мақсад Махсус процедуранинг эътиборини давлат органларининг эътиборсизлигига қаратиш ва унинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этишини талаб қилиш.

БМТнинг мажбурий меҳнатга алоқадор уч махсус процедураси мавжуд:

1. Замонавий қуллик шакллари бўйича Махсус маърузачи;
2. Таълим олиш ҳуқуқи бўйича Махсус маърузачи;
3. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ҳолатлари бўйича Махсус маърузачи.

#### **А. Замонавий қуллик шакллари бўйича Махсус маърузачи**

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Кенгаши 2007 йил сентябрь ойида Замонавий қуллик шакллари бўйича Махсус маърузачини (бундан буён Махсус маърузачи) таъсис этди.

Махсус маърузачи ваколатига, жумладан, қуйидагилар кирилади:

- Замонавий қуллик шакллари бўйича халқаро ҳужжатларнинг самарали амалга оширилишига қўмаклашиш;
- Давлатлар, халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари ва бошқа манбалардан замонавий қуллик шакллари бўйича маълумотлар талаб қилиш, қабул қилиш ва алмашилиш;
- Ишончли манбалардан замонавий қуллик ҳақида маълумот келганда жабрдийдаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида самарали чоралар кўриш;
- Замонавий қулликка барҳам бериш бўйича миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда амалга ошириш мумкин бўлган ҳаракат ва чоралар тавсия қилиш.

Махсус маърузачи ўз вазифаларини амалга оширишда жойлардан келаётган маълумотларга таянади. Бундай маълумотларни, асосан, бевосита замонавий қуллик қурбонлари ва уларнинг оила аъзоларидан ва маҳаллий ҳамда халқаро нодавлат ташкилотлардан олади. Махсус маърузачи турли манбалардан маълумот йиғиш самарасини ошириш мақсадида махсус тартиб

ишлаб чиққан. Мазкур тартибга кўра, Махсус маърузачига замонавий кулликка тегишли бўлган маълумот топширмақчи бўлган киши махсус формани тўлдириши керак.

Афсуски, Махсус маърузачининг веб саҳифасида мазкур форманинг фақат инглиз, испан ва француз тилида тайёрланган нусхалари мавжуд. Шу сабабли Махсус маърузачига маълумот ва/ёки шикоят юбориш учун мазкур қўлланмага илова қилинган формадан (4-Илова). фойдаланишингизни тавсия қиламиз. Форма рус тилида тайёрланган. Сизга формани рус тилида ёки БМТнинг 6 та иш тилларидан бирида тўлдиришингизни маслаҳат берамиз.

⇒ **Эслатма:** БМТнинг иш тилларига инглиз, араб, испан, рус, француз ва хитой тиллари киради.

Формада маълумотлар иложи бориша барча тафсилотлари билан берилиши керак. Формадаги важлар ўрганиб чиқилгандан кейин, Махсус маърузачи формада келтирилган маълумотларни аниқлаш учун бевосита давлат билан алоқага чиқиб, масала бўйича тушунтириш беришини сўраши ва рўй бераётган ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича бошқа чора-тадбирлар кўриши бошлайди. Махсус маърузачи унга келиб тушган маълумот ва шикоятлар бўйича кўрилган чора-тадбирлар ва уларнинг самараси ҳақида Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашга ҳар йили ҳисобот топширади.

Формада келтирилган маълумотлар, хусусан, мажбурий меҳнат қурбонининг исми сир сақланади. Аммо мазкур маълумот Махсус маърузачи Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашга йиллик ҳисобот бераётганда ошкор этилади. 18 ёшга етмаган ва жинсий тажовуз қурбони бўлганларнинг тўлиқ исм-шарифи ошкор этилмасдан, фақатгина исм-шарифининг бош харфлари ёзилади.

Тўлдирилган формани Махсус маърузачининг факс рақамига (+41229179006), электрон почтасига (srslavery@ohchr.org) ёки почта орқали қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин:

Special Rapporteur on Contemporary forms of slavery  
Office of the High Commissioner for Human Rights  
8-14 Avenue de la Paix  
1211 Geneva 10  
Switzerland

## **В. Таълим олиш ҳуқуқи бўйича Махсус маърузачи**

Таълим олиш ҳуқуқи бўйича Махсус маърузачи мустақил эксперт ҳисобланиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш томонидан кишиларнинг таълим олиш ҳуқуқини ҳимоя ва ташвиқ қилиш учун таъсис этилган.

Махсус маърузачининг асосий ваколатлари қуйидагилардан иборат:

- Кишиларнинг таълим олиш ҳуқуқига ва уни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ҳолатлар бўйича турли манбалардан маълумотларни тўплаш;
- Кишиларнинг таълим олиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш;
- Таълим олиш ҳуқуқидан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилаётган ҳолатларнинг олдини олиш бўйича чораларни кучайтириш;
- Таълим олиш ҳуқуқининг бошқа инсон ҳуқуқлари билан ўзаро алоқадорлигини ўрганиш;

- Таълим олиш ҳуқуқининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш.

Замонавий куллик шакллари бўйича Махсус маърузачидан фарқли ўларок, Таълим олиш ҳуқуқи бўйича Махсус маърузачига маълумот ва шикоятларни тақдим этиш учун алоҳида форма ишлаб чиқилмаган. Шикоятингиз Махсус маърузачи томонидан ўрганиб чиқилиши учун қуйидаги маълумотлар берилишига эътибор қаратишингиз керак:

- Таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум этилган киши ҳақидаги маълумотлар;
- Таълим олиш ҳуқуқидан тўла фойдаланишга тўсқинлик қилаётган давлат органи ёки мансабдор шахс ҳақидаги маълумотлар;
- Таълим олиш ҳуқуқини чекловчи ҳаракатлар ҳақида маълумот: куни, санаси, жойи, бўлиб отган воқеанинг қисқа баёни ва ҳкз. Бунда маълумот содир этилган ва/ёки содир этилиши мумкин бўлган ҳолатларни қамраб олиши мумкин.

Таълим олиш ҳуқуқи бўйича Махсус маърузачига маълумотлар бевосита ҳуқуқбузарлик қурбони, унинг оиласи ва яқинлари томонидан топширилиши мумкин.

Махсус маърузачига маълумот ва/ёки шикоятни эркин тарзда ёзиб, уни факс орқали (+41 22 917 90 06) ё электрон почтага ([urgent-action@ohchr.org](mailto:urgent-action@ohchr.org)) ёки қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин:

Special Rapporteur on the Right to Education  
Office of the High Commissioner for Human Rights  
8-14 Avenue de la Paix  
1211 Geneva 10  
Switzerland

### **С. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг аҳволи бўйича Махсус маърузачи**

Баъзан мажбурий меҳнат қурбонларига ёрдам берган кишиларнинг мансабдор шахслар томонидан сиқувга олиниши ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай ҳолатда Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг аҳволи бўйича Махсус маърузачига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг аҳволи бўйича Махсус маърузачи Инсон ҳуқуқлари Кенгаши томонидан таъсис этилган. Махсус маърузачининг энг асосий вазифаларидан бири инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларини ҳимоя қилиш ва уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятларига қўмаклашишдир. Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ўз фаолиятларини амалга ошира олмаган ёки амалга оширганлари сабабли таъқибга учраган ҳолатлар юзасидан Махсус маърузачига шикоят топшириш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари бўйича Махсус маърузачига шикоятларни топшириш учун алоҳида форма тўлдирилиши талаб қилинмаса ҳам, қуйида келтирилган маълумотлар берилиши талаб қилинади:

1. Жабрдийда ким? Бу ерда жабр кўрган инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси ҳақида қуйидаги маълумотлар ёзилиши керак:

- а. Тўлиқ исм-шарифи;
- б. Ёши;
- в. Жинси?

г. Фуқаролиги;

д. Касби;

е. Алоқа маълумотлари (манзил, электрон почта адреси, телефон ва ҳкз).

2. Жабрдийда инсон ҳуқуқлари ҳимоячисими? Бу ерда жабр кўрган киши инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси эканлиги ҳақида маълумот берилиши керак. Масалан, киши қандай инсон ҳуқуқлари фаолияти билан шуғулланган, ўз фаолиятини қаерда амалга оширган ва ҳкз.

3. Ҳуқуқбузарлик нимадан иборат? Бу ерда жабр кўрган кишига қарши содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақида батафсил маълумот берилиши керак. Масалан, ҳуқуқбузарлик қандай, қачон, қаерда содир этилди ва ҳкз.

4. Ҳуқуқбузарликлар ким томонидан содир этилди? Бу ерда жабр кўрган кишига қарши содир этилган ҳуқуқбузарликлар ким томонидан содир этилганлиги ҳақида батафсил маълумот берилиши керак. Масалан, ҳуқуқбузарларнинг исм-шарифи, қайси давлат органида ишлаши, лавозими, гувоҳлар ҳақида маълумот ва ҳкз.

5. Давлат органлари қандай чоралар кўрди? Бу ерда давлат органлари ҳуқуқбузарлик учун жавобгар бўлган мансабдор шахсни жавобгарликка тортиш бўйича қилган хатти-ҳаракатлари ҳақида маълумот берилиши керак. Масалан, кўрилган ёки кўрилмаган чоралар, уларнинг натижаси ва ҳкз.

6. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолият ва ҳуқуқбузарлик ўртасидаги алоқадорлик. Бу ерда ҳуқуқбузарлик нимага жабр кўрган кишининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолияти билан боғлиқлиги ҳақида маълумот берилиши керак. Агар инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси аввал ҳам турли хил тазйиқ ва ҳуқуқбузарликлар қурбони бўлган бўлса, мазкур ҳолатлар ҳақида маълумот келтиришингиз керак.

7. Шикоят ким томонидан топширилаётгани ҳақида маълумот.

Шикоятни қабул қилган Махсус маърузачи, агарда шикоятда кўтарилган масалалар унинг ваколати доирасига кирса, юборилган шикоят ва унда кўтарилган масалалар юзасидан тегишли давлат органини хабардор қилиб, ундан ҳуқуқбузарлик бартараф этилишини, ҳуқуқбузарлик ўрганиб чиқилиб, унинг хулосалари ҳақида Махсус маърузачи хабардор этилишини илтимос қилади.

Тўлдирилган форма Махсус маърузачининг факс рақамига (+41229179006), электрон почтасига ([urgent-action@ohchr.org](mailto:urgent-action@ohchr.org)) ёки қуйидаги манзилга юборилиши мумкин:

Special Rapporteur on the Situation of Human Rights Defenders  
Office of the High Commissioner for Human Rights  
Palais Wilson  
52 rue des Pâquis  
  
1211 Geneva 10  
Switzerland

## ИЛОВАЛАР

### 1-Илова

#### Мажбурий меҳнат бўйича қонунчилик

Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши кўплаб қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Уларнинг ҳуқуқий мақоми, ўзаро алоқадорлиги ва мазмунини яхши тушуниш учун қонун ҳужжатлари таснифига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Амалдаги қонунчилик қонун ҳужжатларидан (норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳам аталади) иборатдир. Қонун ҳужжатларини қонун ва қонуности ҳужжатларига ажратиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Конституция ва қонунлар олий юридик мақомга эга бўлиб, уларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Барча қонун ва қонуности ҳужжатлари Конституция асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига қуйидагилар киради:

- а) Конституция;
- б) Қонунлар;
- в) Олий Мажлис палаталарининг қарорлари.

Ушбу қонунлар Парламент, яъни Олий Мажлис томонидан қабул қилинади. Бу дегани Ўзбекистон фуқароси бўлган ҳар бир шахс билвосита ўзлари сайлаган депутатлари ва сенаторлари орқали овоз бериш йўли билан ушбу қонунларнинг қабул қилинишига ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикасида қонуности ҳужжатларига эса қуйидагилар киради:

- а) Президентнинг фармонлари;
- б) Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- в) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;
- г) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Ушбу туркумдаги норматив ҳужжатлар халқ номидан қабул қилинмаган бўлиб, яқка бир шахс, давлат мансабдори томонидан қабул қилинади ва халқ иродасини ифода этмайди.

Қонун ҳужжатлари ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт. Улар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжати қўлланилади. Тенг юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатлари бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Қуйида Ўзбекистон Республикасида пахта далаларида мажбурий меҳнатга алоқаси бўлган қонун ҳужжатлари номлари ва уларнинг асосий қоидаларини келтириб ўтамиз. Бунинг аҳамияти шундаки, пахта теришга мажбурланаётган шахс қонуний чоралардан самарали фойдаланиши учун, аввало, мажбурий меҳнатга алоқадор бўлган асосий қонун ҳужжатлари билан таниш бўлиши керак. Зеро, айнан мажбурий меҳнатга қарши қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган қоидаларнинг бузилиши маъмурий-ҳуқуқий ёки судлов тартибида чоралар кўрилиши учун асос бўлади.

Қуйида мажбурий меҳнат бўйича қонун ҳужжатлари уларнинг ҳуқуқий мақомига кўра келтирилади:

### КОНСТИТУЦИЯ

Конституциянинг Муқаддимасида мажбурий меҳнатни тақиқлашга асос бўлиб хизмат қиладиган тамойиллар мустаҳкамланган. Жумладан, Муқаддидада Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқлари ғояларига содиқлигини, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англашини, ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилишини, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилишини, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлашини эълон қилади.



Конституциянинг 2-моддасига кўра, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Демак, давлатнинг барча хатти-ҳаракатлари Муқаддимада мустаҳкамланган тамойилларни амалга ошириш ҳамда халқнинг манфаатларига хизмат қилишга қаратилган бўлиши керак.

13-моддага биноан, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади. Бу дегани, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

14-моддада эса давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши белгиланган.

15-моддада Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олиними айтилади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўриши айтилади.

19-моддага кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Мазкур ҳуқуқ ва эркинликлардан суд қарорисиз маҳрум этиш ёки уларни чеклаб қўйиш мумкин эмас.

30-моддага биноан, Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Конституция меҳнат қилиш билан боғлиқ бўлган асосий тамойилларни ҳам белгилаб берган. Унинг 37-моддасига кўра, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ва адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқига эга. Мазкур моддада мажбурий меҳнат тақиқланиши ва унга фақатгина қонунда кўрсатилган ҳоллардагина руҳсат берилиши айтилади.

41-моддада ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қаролатланади.

43-моддага кўра, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

44-моддада эса ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қаролатланиши айтилади.

64-моддада ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур дейилади.

65-моддага кўра эса, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

## **ҚОНУНЛАР**

### **Меҳнат Кодекси**

Кодекснинг 2-моддаси меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари ҳақида. Унга кўра, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шaroитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди.

5-моддага кўра, меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмаслиги айтилади.

7-моддада мажбурий меҳнат тақиқланиши айтилади ва мажбурий меҳнат тушунчасига таъриф берилади. Мазкур қонун ҳужжатиға кўра, мажбурий меҳнат бу бирон жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришға мажбурлашдир.

### **“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекс**

49-модда. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишға сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояға етмаган шахсға нисбатан содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишға сабаб бўлади.

491-модда. Вояға етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишға йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш

Вояға етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиғи ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш — фуқароларға энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишға сабаб бўлади.

51-моддаға мувофиқ эса, қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатға бирон бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишға сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояға етмаган шахсға нисбатан содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишға сабаб бўлади.

### **“Таълим тўғрисида”ги Қонун**

Қонуннинг 3-моддасида таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари белгиланган. Унга кўра, таълим ва тарбиянинг инсонпарвар характерда эканлиғи, таълимни, билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш каби принциплар мустаҳкамланган.

4-моддада эса ўқувчининг билим олиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланиши айтилади.

### **“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун**

Қонуннинг 3-моддасиға биноан, “бола” деб ўн саккиз ёшға тўлгунга (вояға етгунга) қадар бўлган шахсға айтилади.

4-моддада бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг, жумладан, қуйидаги асосий йўналишлари белгиланган:

- боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш;
- боланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;
- болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш;
- бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;
- бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг очиқлиғи ҳамда ошкоралигини таъминлаш;
- болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишиға кўмаклашиш;
- боланинг шахсини, унинг илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш.

5-моддада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича, жумладан, қуйидаги ваколатларни амалға ошириши белгиланган:

- бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш;
- бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурларини рўёбга чиқариш;
- бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат органлари, болалар муассасалари, ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;
- бола ҳуқуқларини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш.

7-моддага биноан, ҳар бир болага инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари тегишли бўлиши ҳамда улар давлат томонидан кафолатлариниши керак.

10-моддада ҳар бир бола эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгаллиги айтилади. Шу билан бирга, ҳар бир бола ўз шаъни ва кадр-қимматиға қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётиға ғайриқонуний аралашувлардан химояланиш ҳуқуқиға эға. Давлат болани эксплуатациянинг барча шаклларидан химоя қилишни амалға оширади.

20-моддаға кўра, ишға қабул қилишға ўн олти ёшдан бошлаб йўл қўйилади. Болаларни меҳнатға тайёрлаш мақсадида таълим масканлари ўн беш ёшға тўлган болаларни қуйидаги шартларға жиддий риоя этган ҳолда жалб этиши мумкин:

1. Бола ота-онасидан бирининг ёзма розилиги билан;
2. Меҳнат тури боланинг соғлиғиға ва маънавий ва ахлоқий камол топишиға зиён етказмаса;
3. Меҳнат тури таълим жараёнини бузмаса;
4. Меҳнат қилиш ўқишдан бўш вақтда бажарилса.

Давлат ўн саккиз ёшға тўлмаган ишловчи шахсларға ишни таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериши ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни кўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланиши керак.

## ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИ

**“Ўн саккиз ёшға тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисида” Низом** (Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 21 апрелдаги 17/ҚҚ, 8-сонли қарори билан тасдиқланган)

Низом болалар кўтариши мумкин бўлмаган оғирликларға тегишли бўлган қуйидаги меъёрларни белгилайди:

- 16-18 ёшгача бўлган шахсларнинг иш вақти (тахминан, 8 соат) фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 4,1 кг дан оғир бўлмаслиги лозим;
- Болалар аравача ва вагонетка ёрдамида юк ташиш ишларига жалб этилмаслиги лозим;
- 16 ёшгача бўлган вояға етмаганлар иш вақтининг учдан бир қисми (иш вақти 8 соат бўлса, тахминан 2,5 соат) юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, қўлда юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси ўғил болалар учун — 6,5 кг, қиз болалар учун — 3,5 кг дан оғир бўлмаслиги лозим;
- 16 ёшгача бўлган вояға етмаганларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 2 кг дан оғир бўлмаслиги лозим.

Низом иш вақтининг учдан бир қисми юкларни кўтариш ва ташиш билан боғлиқ ишлардан иборат бўлганда, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларнинг юк кўтариш ва ташиш нормаларининг чегараси қуйидагича бўлади:

Кўтариш ва ташиш турлари	Юк чегараси	нормасининг	Кўтариш ва ташиш шартлари
--------------------------	-------------	-------------	---------------------------

	болалар учун	қизлар учун	
Қўлда	13 кг гача	7 кг гача	қиялик баландлиги 0,01 дан юқори бўлмаганда рухсат этилади
Бир ғилдиракли аравачада	39 кг гача	қизларга рухсат этилмайди	қиялик баландлиги 0,02 дан юқори бўлмаган фақат тахтали йўлакда ҳаракатланишга рухсат этилади
Икки ғилдиракли аравачада	47 кг гача	қизларга рухсат этилмайди	қиялик баландлиги 0,02 дан юқори бўлмаган текис йўлда ҳаракатланишга рухсат этилади
			қиялик баландлиги 0,01 дан юқори бўлмаган нотекис йўлда ва кўприкларда ҳаракатланишга рухсат этилади
Уч ва тўрт ғилдиракли аравачада	67 кг гача	52 кг гача	қиялик баландлиги 0,02 дан юқори бўлмаган текис йўлда ҳаракатланишга рухсат этилади
Вагонеткаларда	405 кг гача	224 кг гача	қиялик баландлиги 0,01 дан юқори бўлмаган темир йўлларда ҳаракатланишга рухсат этилади

**“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш” Қоидалари** (Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 8 февралдаги 7-Б-сон буйруғига Илова)

Қоидаларда ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта-махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини қуйидаги шартлар асосида ишга жалб этиш мумкинлиги белгиланган:

- Ўн беш ёшга тўлган ўқувчиларни қишлоқ ишларига жалб қилишга қўйиладиган талаблар:

- Мақсад ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун бўлиши керак;
- Меҳнат тури уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган бўлиши керак;
- Меҳнат таълим олиш жараёнини бузмаслиги керак;
- Меҳнат ўқишдан бўш вақтида бажарилиши керак;
- Меҳнат қилиш учун ота-онасидан бирининг ёзма розилиги бўлиши керак.

- Пахта терими зарарли ва ноқулай меҳнат шароитида амалга оширилиладиган иш тури бўлгани учун, унга ўн саккиз ёшга тўлмаганларни жалб қилиш тақиқланади;

- Ўқувчи ва талабалар дастлабки тиббий кўрикдан ўтгандан кейингина қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиниши мумкин;

- Ўрта таълим муассасалари раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси биргаликда қишлоқ хўжалиги ишлари бошланишидан олдин мазкур жараёнга жалб қилиниши лозим бўлган ўқувчи ва талабаларнинг рўйхатини тузиб, уларнинг тиббий кўриқдан ўтишини таъминлаши лозим;
- Ўқувчи ва талабаларни далага олиб чиқиш ва олиб келишдан олдин раҳбар йўқлама қилиши ва уларга бажариладиган иш турлари бўйича тўлиқ тушунтириш, йўл-йўриқ бериши лозим;
- Иш жойларига олиб бориш ва қайтариб келиш фақат куннинг ёруғ пайтида амалга оширилиши лозим;
- Ғўза баргини тўкиши учун кимёвий ишлов берилган майдонга ўқувчи ва талабалар камида 10 кун муддат ўтгандан кейингина ишлашига рухсат этилиши лозим;
- Ўқувчи ва талабалар пахта теримига жалб қилинишидан олдин махсус кийим-бошлар билан таъминланиши керак.

**“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш үчүн таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш” Қоидалари** (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 8 февралдаги 7-Б-сон буйруғига Илова)

Умумтаълим мактаблари, ўрта-махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчилари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш бўйича меҳнатга ноқонуний бўлмаган ҳолатда жалб қилинганда ўқувчи-талабаларга иш вақтида қуйидаги шарт-шароитлар яратилиши керак:

- Яшаш (дам олиш) хоналарида самарали ҳаво алмашинуви тизими бўлиши лозим;
- Дала ишларига жалб қилинган ўқувчи ва талабалар ҳафта давомида 2 марта ҳаммом қабул қилишлари лозим;
- Ювиниш (душ) хонасида ювиниш крани ўртача ҳар 8 кишига битта бўлиши керак;
- Дам олиш, овқатланиш, ювиниш хоналари ва хожатхоналар доимий равишда 0,5 фоизли хлорли оҳак эритмаси ёки хлорамин билан ювиб ва тозалаб турилиши лозим;
- Турар-жой сифатида қўлланиладиган бинога ўқувчи ва талабаларнинг келиб жойлашишларидан (камида 10 кун) олдин дезинфекция, дезинсекция, дератизация ишлари ўтказилиши шарт;
- Ўқувчи ва талабаларнинг ичимлик сувидан фойдаланишлари учун сув қувурига уланган фавворачалар бўлиши керак;
- Сув қувурлари мавжуд бўлмаган ҳолларда, махсус идишларда қайнатилган сув берилиши лозим;
- Ўқувчи ва талабалар ишлайдиган ҳудудда ҳар бир киши бошига 2 – 5 литр қайнатилган кунлик ичимлик суви тайёрланиши лозим;
- Ичимлик сувининг ҳарорати 8°С дан 20°С гача бўлиши керак;
- Иш вақтининг муддати 16 дан 18 ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соатдан, 15 дан 16 гача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига 24 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланиши лозим;
- Ўқувчи ва талабаларни иш вақтидан ташқари ҳамда тунги ишларга жалб қилиш қатъиян тақиқланади;
- Яшаш (дам олиш) бинолари юзаси бир киши учун 3 м<sup>2</sup> дан, ўтиш йўлқаларининг кенглиги 1 метрдан кам бўлмаслиги керак;

- Бино поли ёғоч ва шунга ўхшаш материалдан бўлиши лозим;
- Бинонинг эшик ва ойналари яхши ёпиладиган, ойналар эса туйнукчали (форточкали) бўлиши керак;
- Ўқувчи ва талабалар орасида касал ёки вақтинча иш қобилиятини йўқотганлар тиббий ходим назоратидан ўтиши ва улар соғликлари тўла тиклангунча дам олиш жойларида қолиши лозим;
- Ғўза баргини тўкиши учун кимёвий ишлов берилган майдонга ўқувчи ва талабалар камида 10 кун муддат ўтгандан кейингина ишлашига рухсат этилиши лозим;
- Ўқувчи ва талабалар пахта теримига жалб қилинишидан олдин махсус кийим-бошлар билан таъминланиши керак.

**Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича” Қарори (2008 йил 12 сентябрдаги 207-сонли Қарор)**

Мазкур Қарорга илова сифатида Миллий ҳаракат режаси қабул қилинган. Миллий ҳаракат режасининг 20-бандига биноан, пахта йиғим-терим ишларида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик юзасидан қуйидаги давлат органлари жойларда мониторинг олиб бориши керак:

- Халқ таълими вазирлиги;
- Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги;
- Ташкилотчилик алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари.

**Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни 2012-2013 йилларда амалга ошириш бўйича Қўшимча тадбирлар ҳақида”ги Қарори**

Мазкур Қарорга илова сифатида Қўшимча тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Қўшимча тадбирлар режаси қуйидаги вазифаларни тегишли давлат органлари зиммаларига юклайди (мазкур вазифалар бажарилиши учун масъул давлат органлари рўйхатини кўриш учун Қарор Иловасига мурожаат қилинг):

- Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан болаларни меҳнат қилишга мажбур этишга йўл қўймаслик;
- Вояга етмаганлар меҳнатининг қонун ҳужжатларида белгиланган нормалари ва шарт-шароитларига, шунингдек, Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенция ва Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенция талабларига риоя этилиши устидан амалий назоратни таъминлаш;
- Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш ва ўн саккиз ёшдан кичик ёшдаги шахсларнинг меҳнат қилиш шарт-шароитлари юзасидан жойларда меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилишни таъминлаш;
- Ўқувчиларнинг дарсларга мунтазам қатнашмаслигининг ҳар бир ҳолатини аниқ муҳокама қилган ҳолда таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига қатнашишини назорат қилишни кучайтириш;
- Ўқувчиларнинг ўқув машғулотларига тўлиқ қатнашишини ва ўқувчилар контингенти сақланишини таъминлаш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўриш учун таълим муассасалари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ўрнатиш;
- Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик учун жойларда мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш;

- Пахта йиғим-терими ишларида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик учун жойларда мониторинг олиб бориш.

## 2-Илова

[Мактаб директорининг пахта теришга мажбурлаши устидан намунавий шикоят аризаси. Аризадаги жой ва шахс номлари тўқима]

Фарғона вилояти Данғара тумани Халқ Таълими бўлимига

Фарғона вилояти Данғара тумани Қўшариқ қишлоғи,  
Мустақиллик кўчаси 1991-уйда яшовчи Бегматова  
Жамиладан

### ШИКОЯТ АРИЗАСИ

Фарғона вилояти Данғара тумани Қўшариқ қишлоғи 13-мактаб директори Усмон Турдиев шу мактабнинг 9-синф ўқувчиси - қизим Бегматова Назокатни пахта теримига чиқишга мажбурламоқда. Мактаб директори Турдиевнинг мазкур хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб биламан ва сиздан бунга қарши тегишли чоралар кўришингизни илтимос қиламан.

Мазкур йилнинг 8-сентябрида қизимнинг синф раҳбари Каримова Шарофат фарзандимга синфдаги бошқа ўқувчилар каби пахта теришга чиқиши шарт эканини айтган. Қизим эса пахта теришга чиқмаслигини айтган. Аммо Каримова Шарофат қизимни бу гаплари учун “нозикоийм” деб ҳақорат қилиб, ялқов, дангасалиқда айблаган ва “манманлик қилмасдан индамай эл қатори пахтага чиқиши кераклигини” айтган. Каримова қизимга пахта теримига чиқишни хоҳламаса, ўрнига бошқа кишини юбориши кераклигини ёки бўлмаса 300 минг сўм пул тўлаши кераклигини айтган. Акс ҳолда, 9-синфни битира олмаслигини, мактаб маъмурияти 9-синфни битирганлик шаҳодатномасини бермаслигини айтган. Шу каби таъйик ва ҳақоратлар кейинги кунлари, яни 11, 12, 13 сентябрь кунлари ҳам барча синф ўқувчилари олдида давом этган. 13 сентябрь куни мактаб директори Усмон Турдиев дарс пайтида 9-синф хонасига кириб, барча ўқувчилар пахтага чиқиши шартлигини ва ҳеч кимнинг баҳона ва сабаблари ўтмаслигини айтган. Кимда-ким қизим Бегматова Назокатга ўхшаб пахтага чиқишдан бош тортса, 9-синфни битира олмаслигини ва ватанига хизмат қилмайдиган дангаса бўлишини айтган. Ушбу сўзлари билан мактаб директори Турдиев қизимни барча ўқувчилар олдида изза қилган ва ҳақоратлаган. Синф раҳбари Каримова Шарофат ва мактаб директори Усмон Турдиевнинг ушбу хатти-ҳаракатлари қуйидаги сабабларга кўра меҳнатга мажбурлаш бўлиб, амалдаги қонунчиликка кўра, ноқонуний ҳисобланади:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида меҳнат қилишга мажбурлаш тақиқланган. Хусусан, Конституциянинг 37-моддаси мажбурий меҳнатни ман этади. Меҳнат Кодексининг 7-моддасида ҳам шундай қоида белгиланган бўлиб, бирон жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш мажбурий меҳнат экани айтилган;
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига биноан, ҳар бир ўқувчига билим олиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланади. Фарзандимнинг пахта теришга мажбурланиши мазкур ҳуқуқнинг, давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқнинг жиддий бузилиши ҳисобланади.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 26 июндаги 33К/Б 13-сонли қарорига Илова сифатида “Ўз саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари” Рўйхати қабул қилинган бўлиб, ундаги тақиқланган меҳнат турлари қаторига “пахтани қўлда териш” ҳам киритилган (XXVIII бобга қараганг).

Юқорида кўрсатилган сабабларга асосланиб, фарзандимни пахта теришга мажбурлаш ҳолатларининг тўхтатилишини сўрайман. Шарофат Каримова ёки Усмон Турдиев томонидан қизимни пахта теришга мажбурлаш ҳолати қайтариладиган тақдирда, шикоят аризаси билан тегишли юқори турувчи давлат органларига, хусусан, прокуратура ва судга мурожаат қилишимни билдираман.

Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунга асосланиб, шикоят аризамга 15 кун ичида жавоб беришингизни сўрайман.

2013 йил 18 сентябрь

[Имзо]

Бегматова Жамила

### 3-Илова

[Жиноят ишлари судига мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортишни ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраб ёзиладиган аризаса намунаси]\*

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Булунғур тумани судига  
Самарқанд вилояти, Булунғур тумани, Қўштепа кўчаси 12-уйда  
яшовчи Алимов Комил томонидан

### АРИЗА

(Самарқанд вилояти, Булунғур тумани 13-Касб хунар коллежи директори Каримов Абдишукрни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳамда маънавий зарарни ундириб бериш тўғрисида)

2013 йил 9 сентябрда фарзандим - 2-босқич талабаси Алимов Ойбек у таҳсил олаётган Самарқанд вилояти, Булунғур тумани 13-касб хунар коллежи маъмурияти мажбурлови натижасида Булунғур тумани Қизилча жамоа хўжалигига пахта теришга олиб кетилди. Коллеж директори пахта теришга бормаганларга коллежни битириш ҳақидаги диплом берилмаслиги билан кўрkitган ёки пахтага чикмаган талабалар ўз ўрнига 300 минг сўм тўлаши кераклигини айтган.

Фарзандим Алимов Ойбек 2013 йил 10 сентябрдан 14 ноябргача Булунғур тумани Қизилча жамоа хўжалигида кунига камида 8 соатдан кўп пахта теришга мажбур бўлган. Фарзандим ва бошқа синфдошлари Қизилча жамоа хўжалигидаги 48-мактаб спорт залида ётиб юришган. Аммо у жой одам яшаши учун санитария-гигиена ҳамда хавфсизлик талабларига жавоб бермайди. Чунки мактаб биносида на иссиқ сув, на иситиш воситалари бор.

Коллеж директори Каримов Абдишукрнинг хатти-ҳаракатларини куйидаги сабабларга кўра Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид деб ҳисоблайман:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида меҳнат қилишга мажбурлаш тақиқланган. Хусусан, Конституциянинг 37-моддаси мажбурий меҳнатни ман этади. Меҳнат Кодексининг 7-моддасида ҳам шундай қоида белгиланган бўлиб, бирон жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш мажбурий меҳнат экани айтилган;
2. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасига биноан, ҳар бир ўқувчининг билим олиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланади. Фарзандимнинг пахта теришга мажбурланиши мажбурий меҳнатнинг, давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқнинг жиддий бузилиши ҳисобланади.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 26 июндаги 33Қ/Б 13-сонли қарорига Илова сифатида “Ўз саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари” Рўйхати қабул қилинган бўлиб, ундаги тақиқланган меҳнат турлари қаторига “пахтани қўлда териш” ҳам киритилган (XXVIII бобга қаранг).
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Вазирининг 2011 йил 8 февралдаги 7-Б-сон буйруғига Илова сифатида қабул қилинган “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва йиғиштириб олиш учун таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларидан фойдаланишда меҳнатни муҳофаза қилиш” Қоидаларининг меҳнат, яшаш шароитлари, гигиена ва соғлиқни сақлаш тўғрисидаги бир неча қоидалари бузилган.

Юқоридаги ҳолатларга асосланиб, суддан куйидагиларни сўрайман:

1. Самарқанд вилояти, Булунғур тумани 13-касб хунар коллежи директори Каримов Абдишукрни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 51-моддасига (Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлов) асосан маъмурий жавобгарликка тортишингизни;
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 57-моддасига ҳамда Фуқаролик кодексининг 1021, 1022-моддаларига асосан, фарзандим Алимов Ойбекнинг 2013 йил 9 сентябрдан 14 ноябргача пахта теришга мажбурлангани ва инсон саломатлиги ва хавфсизлиги учун зарарли ҳамда номуносиб жойларда яшаб, меҳнат қилишга мажбур бўлганлиги, бунинг натижасида маънавий ва жисмоний азият чекканлигини ҳисобга олиб, директор Каримов Абдишукрдан 1000,000 сўм маънавий зарар ундириб беришингизни сўрайман.

**Илова:**



1. Фарзандим Алимов Ойбекнинг Самарқанд вилояти Булунғур тумани, 13-касб хунар коллежининг 2-босқиш талабаси эканлиги ҳақида маълумотнома;
2. Фарзандим Алимов Ойбекнинг 2013 йил 9 сентябрдан 14 ноябргача пахта даласида қандай шароитларда меҳнат қилгани ҳақидаги баённома.

2013 йил 4 декабр

[Имзо]

Алимов Комил

#### 4-Илова

##### Форма

представления информации Специальному докладчику  
по вопросу о современных формах рабства

#### 1. Личность человека или учреждения отправляя эту форму (эта информация останется конфиденциальной)

(а) Название лицо/организация

- Фамилия :
- Имя:
- Название и тип организации (если таковые имеются) :

(б) Отношение к жертве

(в) Адрес:

(г) Контактная информация ( пожалуйста, укажите код страны и города )

- Факс:
- Телефон:
- электронной почте :

#### 2 . Предполагаемого инцидента

I. Общая информация

- Есть ли привлечь инцидентиндивид или группа ?
- Если речь идет о группе , пожалуйста , укажите количество людей, вовлеченных и характеристик группы :

II. Информация о жертве (жертвах):

(а) Название:

(б) Пол:

(с) Дата рождения или возраст ( на момент инцидента )

(г) Национальность:

(е) Род занятий:

(е) Этническая / религиозных / социального происхождения, при необходимости :

(г) Адрес:

(ч) Другая важная информация :

(я) Имеет жертва (ы) дал вам свое согласие , чтобы отправить эту связь на его или ее имени ? Пожалуйста, убедитесь, что вы получить согласие жертвы, когда это возможно

(к) С жертва (ы) сообщили, что , если Специальный докладчик решает принять меры по его или ее имени , письмо относительно того, что случилось с ним или с ней будет отправлен к властям ?

(К) жертва (ы) знают, что , если эта связь поглощают , резюме того, что случилось с ним / ней появится в открытом докладе Специального докладчика ?

(л) бы жертва (ы) предпочитают, чтобы ее полное имя или просто ее инициалы в общественном докладе Специального докладчика?

III. Информация о инциденте:

(а) и подробное описание нарушения прав человека:

(б) Дата:

(с) Время :

(г) Место нахождения (город и страна или страны):

(е) количество лиц, совершивших :

(е) ли преступник (и) известны или связанных с жертвой ? Если да, то как ?

( г ) имя или прозвище преступника (ов ) и информацию о своей идентичности (описание, рубцов или знаками тела, такие как татуировки , одежда / равномерное носить , название / состояние , транспортное средство, используемое ) :

( ч ) Считает ли жертва она стала объектом из-за ее расы, возраста или пола? Если да, то почему ?

( я ) Если есть свидетели инцидента, указывают их имена , возраст, отношения и контактный адрес. Если они хотят остаться неизвестным , указать, если они являются родственниками , прохожими и т.д. ; если есть доказательства , пожалуйста, укажите.

( к ) С жертва (ы) была у врача после инцидент произошел ? Есть ли медицинские сертификаты / примечания , касающиеся инцидента заинтересованного ?

IV . Информация о предполагаемых преступников

( а ) стало нарушение совершаются частными лицами или группами ( а не государственных чиновников ) ? Если это так, включать любую информацию , которая подскажет, что правительство не приняло необходимых мер для предотвращения , расследования , наказания и обеспечения компенсации за нарушения .

( б ) Если неясно, были ли они государственными или негосударственными агентами , пожалуйста, объясните , почему .

( с ) Если преступники , как полагают, Государственные агенты , пожалуйста, укажите ( военные, полицейские , агенты служб безопасности , подразделение, к которому они принадлежат , звание и функции и т.д.) , и указать , почему они , как считается, отвечает ; быть как можно более точным .

( г ) Если личности государственных служащих невозможно, вы верите, что государственные органы или лица, связанные с ними , несут ответственность за инцидент , то почему?

V. Меры, принятые потерпевшего, его / ее семьи или кто-либо другой на его / ее имени

(а) имеет ли сообщено об инциденте в соответствующие государственные органы ? Укажите, жалобы были поданы , когда, кем и перед которым государственные органы или компетентные органы (то есть , милиция, прокуратура , суд)

( б ) У государственные органы предпринял никаких действий после инцидента ?

- Если да, то какие государственные органы ?
- Какие меры они принимают ?
- Когда они принимают это действие (дата и время ) ?

VI. Законы или политика , которые или могут вызвать или способствовать данному конкретном нарушении прав человека

Если ваша заявка касается закона или политики , кратко опишите его и последствий его реализации в области прав человека . Приведите конкретные примеры, когда имеющиеся .

В связи с этим , в целях осуществления ее работу в отношении коренных причин нарушений , Специальный докладчик заинтересован в получении информации и / или тексты проектов законов, касающихся или затрагивающих права человека , как они относятся к мандату о котором идет речь , в частности в отношении вопросов, перечисленных выше, в разделе " " Каковы некоторые примеры конкретных вопросов , которые подпадают под компетенцию Специального докладчика ? "

Специальный докладчик по вопросу о современных формах рабства были бы заинтересованы в получении информации о национальных или региональных законов или политики, связанной с профилактики, преследования или реабилитации жертв нарушений , относящихся к ее мандату. Специальный докладчик также были бы заинтересованы в получении информации о законах и политике , которые носят дискриминационный характер или являются дискриминационными в их применении (например, на основании этнического происхождения, национальности , происхождения и пола ); или законы или политика , которые относятся к правам ребенка , например, в отношении детского труда .

Пожалуйста, сообщите Специального докладчика о любой дополнительной информации , которая становится доступной после представили эту форму , в том числе , если ваша забота была надлежащим образом, или конечный результат был определен в ходе следствия или судебного разбирательства, или действие, которое было запланировано или угрозы имеет были проведены.

Дата

Подпись автора

Пожалуйста, верните по факсу : +41 22 917 90 06 , по электронной почте , [urgent-action@ohchr.org](mailto:urgent-action@ohchr.org) , [srslavery@ohchr.org](mailto:srslavery@ohchr.org) или по почте:

Special Rapporteur on Contemporary forms of slavery  
Office of the High Commissioner for Human Rights  
8-14 Avenue de la Paix  
1211 Geneva 10  
Switzerland